Ҳаммамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим. Ҳаёт бор экан – жаҳолат ҳам, маънавий таҳдидлар ҳам бўлиши табиийдир. Аммо энг хатарлиси – юрт келажагига лоқайдлик, эзгу қадриятларга нисбатан бепарволикдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
31-yanvar
chorshanba
№ 5 (1380)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

УЙҒОҚ СЎЗ

ЎЗЛИГИНГНИ БАЛАНД ТУТ, ЭЛИМ!

Айрим хорижлик блогерларнинг постларини ўқиб...

Ижтимоий тармоқда Россия шаҳарларидан бирида йўловчи транспортида тинчгина кетиб бораётган ўзбек йигитини (блогер шарҳидан) маҳаллий халқ вакилларидан бири (катта ёшли аёл) “ҳе” йўқ, “бе” йўқ ҳақорат қила бошлагани, кейин унга ёпишиб урмоқчи бўлганини... автобусни тўлдириб ўтирган одамлар эса бирмунча муддат бу ҳолатни кузатиб бориб, аёл жуда ҳаддидан ошиб, ҳамюртимизга ҳамла қила бошлагандан кейингина йигитнинг ёнини олиб тилга кирганларини кўриб... кўпчилик қатори менинг дилимдан нималар ўтганини айтмасам ҳам тушунасиз: “Куппа-кундуз куни ҳамманинг кўз ўнгида очиқ-ошкор безорилик-ку! Нима ҳақи бор? Анави ўтирганларнинг кўзи кўр, қулоғи карми? Бунақа пайтда безорини дарров тийиб қўйиш ёки ҳуқуқ-тартибот ходимларини чақириш керак-ку!” – ичимда шу гаплар тинмай айланиб, кўз олдимдан аёлнинг оғзию қўлидан етаётган зуғум-зулм қаршисида бошини эгиб ўтирган йигит – ўзбек болам сурати кетмай юрган эди... Ижтимоий тармоқда бир русийзабон эркак яйраб-яшнаб Ўзбекистон кўчаларида юриб: *“Бу ер Краснодарга ўхшар экан. Ўзимни худди Краснодарда юргандек ҳис қиляпман”*, **деганини кўриб, эшитиб қолдим.**

Тўғриси, юмшоқ қилиб айтганда, ғашим келди. Кейин у блогернинг кимлигию юртимизда нима муддао билан юрганини билгим келди. Маълум бўлдики, касбу кори менга маълум бўлган бу ўрта ёшлардаги одам “Бродяга с рюкзаком” (“Рюкзакли дайди”) тахаллуси билан ижтимоий тармоқда постлар қўядиган бир кимса экан. Эҳҳе, бир қатор постлари чиқиб келди: “Центр плова в Бухаре”, “Скоростный поезд за копейки в Узбекистане”, “Узбекистан. Бухара. Уникальный старинный дом”, “Забытые русские в Узбекистане”, “Ташкент. Общаюсь с людми”, “Купил манты с луком. Рынок для местных” кабилар... Мен бу постларнинг номларини-да бекорга бирма-бир келтирганим сабабини ҳушёр қалб, назаримда, фаҳмлади.

Постларни атайлаб сабр билан кўриб чиқдим. “Рюкзакли дайди” Тошкентнинг Эски шаҳарида, Кадишев бозорида, “Беш қозон” ош марказида, пойтахтнинг деҳқон бозорларида; Бухоронинг “Карвон” бозорида, тилла бозорида, Салим деган эски қадрдонини топиб бориб унинг хонадонида ва мезбон шаҳарнинг тарихий ва гўзал жойларига уюштирилган сайру саёҳатлардан оғзи қулоғида; Бухородан Самарқандгача тезюрар электропоездда “за копейки” етиб олгани, Бибихоним мадрасаси майдонидаги ҳайратлари, Сиёб бозоридаги тўкинчилик... Қаерга бормасин, биринчи навбатда нарх-навога эътибор қаратади, албатта овқат олиб ейди, нархларнинг ўзбек сўмида, рус рублида, АҚШ долларида қанча бўлишини йирик ҳарфларда ёзиб кўрсатади. “Меҳмонни атойи Худо” деб биладиган одамларимиздан айланай, ой-ойлаб (аслида меҳмон иззати — уч кун!) шаҳару қишлоқларимизни кезиб, арзон яшаш жойи, арзон емагу йўл ҳақи, арзон хизматлар жуда ёқиб қолиб, ўзини туғилган жойида юргандек ҳис эта бошлаган “Дайди” меҳмонни ҳамма жойда чиройли салом, иззат-икром билан кутиб оладилар, ширин калому таом билан сийлайдилар. Чаққону моҳир сартарош йигит унинг сочини яхшилаб ювди, қисқартириб текислади, кейин яна ювди, бўйин-елкаларини елпиб-қоқиб сочига хушбўйлар сепди, хизматига 40 минг сўм олди. Краснодарликнинг хотини ҳам бу пулга сочини ювиб қўймаса керак. “Стрижка за копейки” деб чиқиб кетди. Хусусий меҳмонхона, сартарошхона, шароитларни ипидан игнасигача кўрсатиб, таърифлаб, нархларини (яна такрорлайман), албатта, ўзбек сўмида, рус рублида, долларда қанча эканини йирик ҳарфларда ёзиб қўйяпти. Дарвоқе, у билан гаплашганларнинг аксарияти рус тилида бурро сўзлашдилар, бу ҳолатдан у янаям очилиб сайрайди. Заррача сохталик бўлмаган айни муомала-муносабатлар тўғрисида ҳамюртларига тўлиб-тошиб ҳикоя қилади...

Ижтимоий тармоқнинг бир “одати”ни биласиз: сизни қизиқтирган мавзуни дарров билиб олади-да, “талабларига биноан” қабилида ўша мавзудаги постларни териб ташлайди. Мен “Рюкзакли дайди”нинг саргузаштлари билан танишиб улгурмасимдан, яна бир қатор ҳорижий кимсаларнинг ватанимиз шаҳару қишлоқлари, бозорлари, меҳмонхоналари, кўчалари, одамлари, урф-одатлари тўғрисидаги постлари саф тортиб чиқиб келди. Тавба, илгари улар бизнинг юртимиз, яшаш тарзимиз, маҳаллаю одамларимиз билан бу қадар қизиқиб жавлон урмаган эдилар-ку!

“Релокация Просто” тахаллусли аёл “Переезд в Узбекистан. Что нужно знать?” деган постида Диана исмли ҳамблогери билан суҳбат қурган. Уларни кузатаркан, кўзингизга бир қарашда ташланадиган ҳолат – Ўзбекистонга эри билан кўчиб келган аёлнинг кўнгли бу ердаги ҳаётидан ниҳоятда тўлган: *“Кутилмаганда шошилинч келиб қолдик, – ҳикоя қилади у. — Россияда ҳарбий чақирув кетаётган эди. Келишимиздан олдин бу ерда қандай вазият бўларкин, деган қаттиқ қўрқувда эдим. Бир нарсадан ҳайратда қолдим: тошкентлик одамлар жуда эътиборли, ёрдам беришга тайёр, хушмуомала, меҳмондўст экан. Биринчи кунданоқ уйқудан хотиржам уйғондим”*. Аёл Тошкент ва тошкентликлар ўзи тасаввур этмаган даражада замонавий, билимли эканликлари; эл билан мулоқотда ҳали бирор марта қийналмагани, ҳамма билан рус тилида гаплашиш мумкинлиги, ижара уйлар топиш осонлиги ва уларнинг нархлари, транспорт ва сервис хизматлари яхшилиги ҳақида маълумот бериб, бу ерга кўчиб келиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилиши ҳақида тушунтиради.

“True Store” номи билан пост қўйган хорижлик ҳам ўзбекистонликларнинг меҳмондўстликларини аэропортданоқ ҳис этганини таъкидлайди. *“Мен сув сотиб олмоқчи эдим. Тонгги соат тўрт эди, биргина сув сотиб олишим учун дўконни очишди”*, деб ҳайрон қолади у. Арзон меҳмонхона, тушликка тенг бўлган текин нонушта, ширин овқатлар...

3-б.

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МАМЛАКАТЛАР ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугун глобаллашув жараёнлари кечаётган дунёда ҳеч бир давлат ўз қобиғида ривожлана олмайди. Бу асримизнинг олтин қоидасига айланиб бормоқда. Янги Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиши бир қатор омиллар билан боғланган бўлиб, улар орасида минтақавий ва халқаро ҳамкорлик масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида таъкидланганидек: ***“Мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, унинг ташқи дунёга очиқлигини илгари суришга ҳамда минтақавий ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилгандир”.***

Маълумки, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Хитой омили катта аҳамият касб этади. Ўзаро муносабатлар минг йилликларни ўз ичига олган бўлиб, улар савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа қатор йўналишларни ўз ичига олганлиги айни ҳақиқат. Тарихий далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, мазкур воқелик икки минг йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Икки давлат ўртасидаги алоқалар бундан 2000 йил аввал, Буюк ипак йўли даврида вужудга келган. Бугунги кунда икки давлатнинг қарашлари ўзаро умумий муносабатларда акс этиб, ташқи сиёсатда ҳар икки давлат бошқа давлатларнинг суверенитетига дахл қилмаслик, мустақиллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзаро манфаатдорлик тамойилларига амал қилган ҳолда, икки томонлама дўстона муносабатлар ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг Хитой билан дипломатик муносабатлари ўрнатилганидан буён барқарор йўналишда ривожланиб бормоқда. Иккала томон ҳам юқори даражадаги ташрифларда, йирик сиёсий-иқтисодий тузилма ҳисобланган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги мулоқотларда минтақавий ва халқаро майдонда содир бўлаётган ихтилофларнинг олдини олиш борасида кенг ҳамкорлик ўрнатилган.

2-б.

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

СЎЗ ЧАМАНИ ИЧРА СЎЛМАС ДАРАХТИМ

Шу йилнинг 23-26 январь саналарида Озарбайжонда Ўзбекистон Республикаси фан ва маданият кунлари кўтаринки руҳда ўтказилди

Адабиёт, фан, санъат, маданият – дилларни дилларга, элларни элларга боғлайдиган, дўсту қадрдон айлайдиган қудратли риштадир. Давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва тотувлик муҳитининг яратилишида, албатта, сўз санъатининг, фан ва маданиятнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Ана шу қутлуғ ҳикматли сўз бизни дили, тили, урфу одатлари бир-бирига жуда-жуда яқин қардош Озарбайжон диёри сари етаклади.

Жорий йилнинг 23-26 январь кунлари Озарбайжон Республикасида “Ўзбекистон Республикаси фан ва маданият кунлари”ни ўтказиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов бошчилигидаги давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт, фан, маданият соҳасининг вакилларидан иборат делегация аъзолари йўлга отландик.

Хаёлимда эса Мир Алишер Навоий ҳазратларининг Низомий Ганжавий бобога шогирдлик эҳтироми билан битилган **“Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ, Керак шер олдида шер жанги, Магар шер бўлмас бори паланги”** сатрлари ва яна устозимиз Абдулла Ориповнинг машҳур “Озарбайжон” шеъри мисралари чарх урмоқда.

...Низомий болидан ҳалво пишурмиш
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.

Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,
Ўзинг айт, Фузулий битган девонни...

Шеър хулосаси ҳам киши қалбини жунбишга келтириб юборади.

...Мен сендай мезбонни топмоғим гумон,
Сен ҳам тополмассан мендай меҳмонни.

Мавжуд бўлмасайди оламда агар,
Ўйлаб топар эдим Озарбайжонни.

Биз устозларимиз қаламга олган улуғлар бешиги бўлган заминга – Озарбайжонга сафаримиз шундай ёруғ кечинмалар, нурли ўйлар билан бошланди.

Ташрифнинг илк кунида буюк ўзбек мутафаккир шоири, устозлар ибораси билан айтадиган бўлсак, ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ва Озарбайжон давлат арбоби Ҳайдар Алиев ҳайкаллари пойига ҳамда Шаҳидлар хиёбонида гул қўйиш маросимлари, шунингдек, Озарбайжон Ёзарлар бирлигида “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” мавзусида ижодий учрашув кечаси, Озарбайжон қўлёзмалар институтида “Ўзбекистон ва Озарбайжон: маданиятлар мулоқоти“ номли давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон парламенти аъзоларининг Озарбайжон Миллий Межлиси раиси Саҳиба Гафарова билан учрашуви ҳамда парламентлараро алоқалар бўйича дўстлик гуруҳларининг қўшма йиғилиши ўтказилди.

5-б.

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МАМЛАКАТЛАР ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



1-6.

Шунингдек, Хитой томонидан таклиф этилган “Бир макон — бир йўл” сиёсатини амалга оширишнинг ўзаро манфаатли йўналишлари мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ижобий баҳоланиб келаётгани ҳам диққатга сазовор.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг уни биринчилардан бўлиб тан олган ва дипломатик муносабатлар ўрнатиш ташаббуси билан чиққан давлатлардан бири ҳам Хитойдир. Шу боис икки мамлакат раҳбарларининг юқори даражадаги ташрифлари ўзаро дўстона, манфаатли дипломатик алоқалар давом этаётганига гувоҳлик беради. Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, унга тажовуз қилмаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосидаги дўстона ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириб келмоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг Хитойга нисбатан ташқи сиёсатини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Биринчидан, икки давлат ўртасидаги муносабатлар тинч-тотув яшашнинг қуйидаги тамойилларига асосланади: ҳудудий яхлитлик ва суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, тажовуз қилмаслик, ички ишларга аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатли ва тинч-тотув яшашдир. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти Хитой билан фаол алоқалар ва яқин ҳамкорликни давом эттириб, нафақат жамият ривожига, балки фаолиятнинг турли соҳаларида ривожланиш импульсларини фаоллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб бормоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Хитой билан муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон учун Осиё-Тинч океани минтақасидаги энг муҳим стратегик тамойиллардан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, янги ресурсларни ўзлаштиришда, шунингдек, янги транспорт коридорларини яратишда Хитойдан кўмак ва ёрдам олиш ниятида савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаол ривожлантириш билан боғлиқ. Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистон-Хитой муносабатларини нафақат савдо-иқтисодий, балки стратегик шерикликнинг бошқа йўналишларида ҳам ривожлантиришга доимий эътибор қаратмоқда.

Хитой Марказий Осиёнинг бешта давлатини Хитойга қўшни ва “узоқ қариндошдан яқин қўшни афзал” деб ҳисоблаши ушбу мамлакатга бўлган ижобий муносабат шаклланишини таъминловчи яна бир омилдир. Хитой Марказий Осиёдаги бешта давлатдан ҳар бирининг мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилади, шунингдек, “Бой қўшнилар — тинч чегаралар” деган қадимги Хитой ҳикматига амал қилади. Хитой Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан ташқи сиёсатида ошкоралиқни намоён этади, бу эса дўстлик ва фаровонликка асосланган. Шунингдек, Хитой Марказий Осиё сиёсатига аралашмаслик, демократик эркинликларни ҳурмат қилиш, бир-бирини тўлдириш йўлини тан олади.

Икки давлат ўртасидаги дўстона ўзаро ташрифлар Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бошланган. Ҳамкорликнинг дастлабки даврларидан ҳозирги кунга қадар мамлакатлар ўртасида дўстона алоқалар давом этмоқда, турли йўналишлар бўйича ҳамкорлик муносабатлари чуқурлаштирилди, дипломатик алоқалар ўрнатилгандан сўнг икки давлат раҳбарлари тез-тез ташрифлар алмашиб келмоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ХХРга бир неча марта ташриф буюрди. Яъни, 2017 йил 14-15 май кунлари “Бир макон — бир йўл” форумида иштирок этди, шунингдек, 2023 йилнинг ўзида 2 марта: 18-19 май кунлари Сиян шаҳрида ўтказилган Хитой-Марказий Осиё давлатлари учрашуви ва 17-18 октябрь кунлари Пекин шаҳрида ўтказилган “Бир макон — бир йўл” форумидаги учрашувларини кўришимиз мумкин. Бунга жавобан ХХР раиси Ўзбекистонга 4 марта ташриф буюрди.

Шу билан бирга, икки давлат ўртасида Ҳукуматлараро қўмита тузилиб, ундан кўзланган асосий мақсад ҳар томонлама Ўзбекистон-Хитой муносабатларини мувофиқлаштириш ва мустаҳкамлашдан иборат эканлиги белгиланди. Ҳар икки томон савдо-иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, астронавтика, технология, таълим, маданият каби олтита асосий йўналишни ривожлантиришга келишиб олди.

2022 йилнинг 15-16 июнь кунлари Самарқандда ўтказилган ШҲТ саммитида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларни кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтариш, ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича ривожланишни янада кучайтиришга қарор қилдилар. Томонлар “Бир макон — бир йўл” лойиҳасини биргаликда амалга ошириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ очишга, ишлаб чиқариш қуввати соҳасида ҳамкорликни фаол ривожлантиришга келишиб олдилар. Шунингдек, икки давлат раҳбарлари икки мамлакат илмий-тадқиқот муассасаларининг яқин ҳамкорлиги орқали илм-фан ва технология соҳасини ривожлантиришни кенгайтириш, икки мамлакат халқлари ўртасидаги маданий алмашинувни ривожлантириш, тинимсиз ҳамкорлик қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Мутахассисларнинг қайд этишича, Ўзбекистон — Хитой муносабатлари тарихдаги энг яхши даврни бошидан кечирмоқда.

Жорий йилнинг 23-25 январь кунлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг ХХРга расмий ташриф билан бориши ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берувчи асосий омил деб қаралмоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида ҳамкорликнинг янги ва стратегик истиқболлари белгиланишини айтиш мумкин. Яъни, ўзаро ҳамкорлик йўналишларининг кенгайтирилиши, улар орасида фан-таълим, ишлаб чиқариш, транспорт ва логистика тизимларига алоҳида эътибор қаратилиши белгиланган.

Ҳукуматлараро ҳамкорликнинг жадаллашуви мамлакатлар ўртасида барча тузилмаларнинг ўзаро муносабатлари чуқурлашувига сабаб бўлмоқда. Воқеликни транспорт соҳасида кузатадиган бўлсак, бир қатор келишувлар, ўзаро тажриба алмашиш ва бошқа йўналишлар қамраб олинганини кўриш мумкин. Жумладан, 2023 йил 13 сентябрь куни Хитой Халқ Республикаси Шенси провинциясининг “Хитой-Ўзбекистон таълим кўргазмаси” доирасида Тошкент давлат транспорт университети вакиллари иштирок этиб, Хитойнинг Чанган университети билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур келишув доирасида талабаларнинг академик алмашинуви, ўзаро амалий машғулотлар ўтказиш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, шунингдек, келгусида қўшма дастур йўналишларини очиш режалаштирилди.

Тошкент давлат транспорт университети таълим жараёнига оид ўзаро манфаатдорлик, транспорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда ҳамкорлик платформасини яратиш, илмий-тадқиқот лойиҳаларини халқаро даражада олиб бориш мақсадида Чанган университети ташаббуси билан ташкил этилган “Транспорт инфратузилмаси соҳасида истеъдодларни тайёрлаш бўйича Хитой-Марказий Осиё альянси”га илк аъзо сифатида қўшилиш учун битим имзолашга эришди.

2023 йил 15 сентябрь куни Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ю Жун билан учрашув бўлиб ўтган эди. Учрашувда Тошкент давлат транспорт университети қошида ташкил этилган “Лубан устахонаси” (Luban Workshop) фаолиятини амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди. 2023 йил 9 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси Шенси фан ва технологиялар университети раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди. Икки университет илмий лабораториялари ҳамкорлигини ва магистратура дастурларини йўлга қўйиш, докторантлар мобиллигини таъминлаш, ҳамкорликда илмий анжуманлар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, янги ўқув йилидан Буюк Ипак йўли университетлари альянси таркибидаги 5 та ОТМда бир вақтнинг ўзида таҳсил олиш ва ўқиш якунида дипломлар олиш имкониятининг яратилишига алоҳида эътибор қаратилди.

2023 йил 19 октябрь куни Хитой Халқ Республикасининг Хебей темир йўл транспорти институти ва “ZU Express China” корхонаси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Тошкент давлат транспорт университети, Хитой Халқ Республикасининг Хебей темир йўл транспорти институти ва “ZU Express China” корхонаси ўртасида уч томонлама илмий-амалий ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ушбу ҳамкорлик натижасида университет битирувчи талабалари учун Хитойнинг транспорт ва логистика корхоналарида амалиёт ўташлари ҳамда иш фаолиятини олиб боришлари, Хебей темир йўл транспорти институтида “winter school” ва “summer school” дастурлари ҳамда грант асосида магистратурада ўқиш имконияти яратилади.

Шунингдек, профессор-ўқитувчиларни ҳамкорликда хорижий грант дастурлари ва илмий нашрлар чоп эттириш йўналишидаги ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

2023 йил 17-18 ноябрь кунлари Хитойнинг Сиан шаҳрида Чанган университети ташаббуси билан турли мамлакатлар делегациялари иштирокида Транспорт инфратузилмаси соҳасида Хитой-Марказий Осиё истеъдодлар тайёрлаш альянсининг илк конференцияси ҳамда халқаро академик форуми бўлиб ўтди. Транспорт инфратузилмаси соҳасида Хитой-Марказий Осиё истеъдодлар тайёрлаш альянсига аъзолик Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари учун транспорт инфратузилмаси соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган юқори сифатли таълимни таъминлаш, кадрлар тайёрлашда тажриба, ресурслар ва илғор тажриба алмашиш учун транспорт инфратузилмаси соҳасида самарали халқаро тармоқни шакллантиришга замин яратади.

2023 йил 21 ноябрь куни Хитойнинг Шеньян шаҳрида Шеньян технология университети ва Тошкент давлат транспорт университети ўртасида тарихий учрашув бўлиб ўтди. Стратегик қадамлар ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ўқитишдаги илғор тажрибаларни алмашишга қаратилди. Мулоқотнинг муҳим қисми икки диплом дастурини амалга ошириш бўйича музокаралар бўлди. Эндиликда ҳар иккала университет талабалари нафақат ўз дунёқарашини бойитиш, балки ўз тажрибасини тасдиқловчи иккита нуфузли диплом олиш имкониятига эга.

Тез технологик ўзгаришлар фонида машинасозлик ва электротехникага янги йўналишларни жорий этиш муҳокама қилинди.

Ўтган йилнинг 19-20 ноябрь кунлари эса Хитойнинг Тянзин провинциясида “Лу Бан устахонаси”нинг ахборот технологиялари ва логистика лабораторияларида дарс бериладиган йўналишлар ҳамда “e-commerce” соҳасида талабаларни ўқитишни келишиш бўйича уч томонлама ҳамкорлик шартномаси Тошкент давлат транспорт университети, Хитойнинг Ўзбекистондаги савдо-саноат корхоналари палатаси ва Тянзинь давлат ҳокимияти вакиллари (Тянзинь денгиз профессионал коллежи) томонидан имзоланди. “Лу Бан устахонаси” доирасида имзоланган ушбу шартнома ахборот технологиялари ва логистика соҳасидаги таълим йўналишларини мувофиқлаштиришни ўз ичига олади. Бундан ташқари, талабалар электрон тижорат соҳасида ўқитилиши кўзда тутилган. Ушбу тарихий қадам ҳамкорлигимизни мустаҳкамлайди ва билим, тажриба ва инновацион ғоялар алмашиш учун янги истиқболларни очади. Келгусида лабораторияларни кенгайтириш, ушбу лабораторияларда талабаларни ва изланувчиларни реал лойиҳаларга йўналтириш ҳамда “e-commerce” дастури доирасида транспорт соҳасига оид дастурларни ишлаб чиқиб, хорижга экспортини таъминлаш бўйича муҳокамалар олиб борилди.

2024 йилнинг 9 январь куни Хитойнинг жануби-ғарбий Жиаотун университети ва Тошкент давлат транспорт университетимиз ўртасида талабалар алмашинуви тўғрисидаги битим онлайн тарзда имзоланди. Жануби-ғарбий Жиаотун университети, Хитой ва Тошкент давлат транспорт университети, Ўзбекистон ўз талабаларига чет элда ўқиш тажрибасини тақдим этишни ва энг юқори сифатли таълимни таъминлаш бўйича умумий миссияни баҳам кўришни истайди. “UzXCMG” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси, Автойўл қўмитаси етакчи мутахассислари ва Тошкент давлат транспорт университети профессор ўқитувчилари билан Хитойнинг “XCMG” корпорациясида қурилиш ва йўл қурилиш техникаларини ишлаб чиқариш жараёнида инновацион технологиялар, корпорацияда йўл қурилиш техникаларини ишлаб чиқаришдаги янгиликлар билан ташкилотларни таништириш ва Ўзбекистонда амалиёт билан назарияни боғлаш мақсадида “XCMG” корпорациясининг таклифига биноан Сюйджоу шаҳрида 2024 йил 15 январда бошланган 5 кунлик тадбир ташкил этилди. Тадбирда Автомобилсозлик ва ишлаб чиқариш муҳандислиги кафедраси доценти А.Х.Сармонов қатнашди.

Келтирилаётган маълумотлардан шуни англаш мумкинки, икки мамлакат ўртасида ўзаро тажриба алмашиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Президентимизнинг куни-кеча ХХРга қилган ташрифи ва таширифи чоғида имзоланган битимлар мазкур муносабатларни янада юқори босқичга олиб чиқиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Абдулазиз ГУЛАМОВ,
Тошкент давлат транспорт университети проректори.

МУЖДА

АҚШда Риштон кулолчилик мактаби ташкил этилади

Вашингтон шаҳрида “Риштон кулолчилиги: Марказий Осиё кулолчилик санъатининг гавҳари” номли кўргазма бўлиб ўтмоқда

Кўргазма доирасида Вашингтон шаҳридаги “DC Clay Center” кулолчилик марказида риштонлик кулоллар сулоласи авлодлари иштирокида керамика бўйича маҳорат дарси ва семинар ўтказилди.

Тадбирда АҚШ кулолчилик санъати ихлосмандлари, етакчи санъатшунос олимлар ва Америка кулоллари иштирок этишди. Шунингдек, USAID раҳбари ўринбосари Анжали Каур тингловчи-шогирд сифатида қатнашди.

Маҳорат дарслари Риштон кулолчилик иши ва унинг тарихи бўйича медиа-тақдимот, чархда Риштон идишлари шаклини яратиш техникаси сирлари ва идишларни бўяш ҳамда нақшлар билан безаш техникаси, шунингдек, гиёҳлардан пигментация бўёқларини яратиш усуллари мавзуларида бўлиб ўтди.

Тадбир якунида АҚШнинг “ASU Trading LLC” савдо компанияси ва Риштон туманидаги “Exclusive Ceramic of Rishtan” масъулияти чекланган жамияти ўртасида АҚШ штатларида сопол маҳсулотларни сотиш бўйича умумий қиймати 3 миллион долларлик дистрибюторлик шартномаси тузилди.

Шунингдек, Риштон тумани ҳокимлиги, USAID ва “DC Clay Center” студияси билан биргаликда АҚШда “Риштон кулолчилиги мактаби”ни ташкил этиш, “DC Clay Center” ва “Alexandria Clay Co-op” студиялари билан биргаликда етти кунлик “кулолчилик туризми” пакетини ишлаб чиқиш, Риштон тумани ҳокимлиги, USAID ва “Риштон кулолчилик маркази” билан биргаликда “керамика-терапияси” ижтимоий дастурини жорий этиш тўғрисида келишувларга эришилди.

Американинг Виржиния штатидаги “Alexandria Clay Co-op” кулолчилик студиясида ҳам Риштон кулоллари иштирокида семинарлар бўлиб ўтиши режалаштирилган.

“Дунё” АА,
Вашингтон ш.

ЎЗЛИГИНГНИ БАЛАНД ТУТ, ЭЛИМ!

Айрим хорижлик блогерларнинг постларини ўқиб...

1-б.

Ўзбеклар россияликларни чин дилдан самимият билан кутиб олишлари... тавба, меҳмон-блогер умрида яхши жой, инсоний меҳр-оқибат, саховатнинг бу қадар юксак ва самимий бўлишини биринчи марта кўриб тургандек ҳайратини яшира олмайди. Балки шундайдир ҳам, ким билсин!

"Темур ракга" тахаллусли блогернинг отаси марҳум Ҳайитбой Самарқанднинг Иштихон туманидан экан. Россияда рус қизига уйланиб, икки фарзандли бўлгач, она юртига қайтиб бошқа оила қурган. Икки ёшида ота-онаси билан Иштихонга келиб кетган Темур йигирма йил ўтиб яқинда қариндошларини излаб келибди. "Бобомнинг исму фамилиясини билардим, холос, лекин у ўлган. 2000 йиллардан алоқамиз узилган. Бобомнинг исмини, манзилини айтгандим, Суҳроб деган ҳайдовчи уни таниди. Ўзбеклар жуда жаҳлдор, қўрс дейишарди менга. Йўлда "қариндошлар мени қандай қабул қиларкин?" деган хавотирим бор эди. Суҳроб холамнинг эрига "сизларга меҳмон олиб кетяпман", деб телефон қилиб қўйган экан. Мени шевролет машинада басавлат одам кутиб олди. У: "Эҳ, Темур приехал", деб қучоқ очиб қаршилади. Ҳовлида аёллар ҳам жуда хурсанд кўришдилар. Синглим бор экан. Отам, бобом ва бувимнинг қабрларини бориб кўрдим. Умримда биринчи марта ўзимни бағри бутун одамдек ҳис қилдим".

"Чемодан на двоих" деганлари ҳам Тошкентда ярим йил яшаганини айтиб, хулосаларини ўртоқлашади: "Квартирани 700 долларга ижарага олдик. Бу ерда россияликлар учун банк карталарини очдириш жуда осон. Одамлари ажойиб, доим кулиб туришади, ёрдамини аямайди. Менинг бу фикрларимни бошқа эмигрантлар ҳам тасдиқлашади. Менга жой беришди, боқишди, ҳатто электрон картадан пул тўламоқчи бўлганимда, терминал ишламай қолганди, "Пулни кейин ташлаб кетасан", деб нарсани бериб юборишди. Дорихона, овқатхона ҳар қадамда топилади. Хуллас, Ўзбекистон яшаш учун энг қулай жой".

Юртинг, ўзинг, халқинг ҳақида айтилган бундай фикрлар, албатта, хуш ёқади. Яна бир эмас, бир қатор хорижийлар терилиб чиқиб бири биридан ўтказиб Тошкенту Бухоро, Самарқанду Фарғонага, қишлоғу маҳаллаларимиз аҳлига мақтовлар айтишда кундан кунга илҳомлари жўшиб-тошиб бораётган бўлса! Аммо... "касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади", деганларидек, бу блогерларнинг асл мақсади айримларининг билиб-билмай айтиб юборган, айримлари эса урғулаб ўтган сўз-фикрларидан "ялт" этиб кўриниб қолади. Айтайлик, жингалаксоч Варамов деганлари бир постини "Ташкент. СССР с узбекским колоритом" деб атаган. У ўзини Ўзбекистон бўйича жуда билимдон деб ҳисоблайдими, дин тарихидан сўз бошлади. Кейин бирданига ўзбек хотин-қизларининг бугунги ҳаёти мавзуига ўтиб, Дарина Солод дегани билан суҳбатда биз – ўзбек хотин-қизларининг бугунги ҳаётимизни чунонам "таҳлил қилишди"ки!.. Уларни тинглаб, шарқ аёллари ҳақида бундан юз йил муқаддам варламовларнинг, дариналарнинг катта боболари "тўқиб" кетган китобу маърузалар ҳалиям уларнинг иш столида кундалик фойдаланиладиган маълумотлар қаторида эканига шубҳа қилмайсиз.

Варламовнинг хулосаларини қаранг: "Ўзбекистон аёллар ҳуқуқлари ҳимояланган давлат, деб тарғиб қилинади. Амалда эса Ўзбекистонда ишлайдиган аёлларга ҳалиям (!) эркакларга тўланадиган иш ҳақининг 61 фоизи тўланади. Қишлоқларда ҳамон қизларни ўз ихтиёрига қарамай турмушга узатадилар. Яқинда Самарқандда аёллар чўмилиш кийимида рақсга тушганликлари учун одамлар норози бўлди (дарвоқе, бу жингалаксочнинг ўзи Россияда бўлиб ўтган, халқ ва ҳукуматнинг нафратига учраган "яланғочлар шоу"сининг қатнашчиларидан бири. – **Изоҳ бизники**). Ҳаттоки Дубайда ҳам шортикли, очиқ-сочиқ кийинган қизларга бағрикенглик билан муносабатда бўляптилар. XXI аср арафасида араблар ҳам пул бошқа нарсалардан муҳим эканини англаб етдилар..." – Варламовнинг шунга ўхшаган хулосалари, гапларининг ҳар бирига жавоб – тарихимиз, миллий менталитетимиз, бугунги ҳаёт тарзимиз, Ўзбекистон халқи ўз Президенти бошчилигида кейинги йилларда қандай мақсаду режалар билан яшаб меҳнат қилаётгани, бу саъй-ҳаракатларнинг натижаларини дунёнинг яхши ниятли, хайрихоҳ аҳли кўриб, билиб, тан олиб, баҳолаб турибди. Лекин бу жингалаксоч "доно" айни ҳақиқатларни пешонасига илиб қўйсанг ҳам, ўқимаса керак. Чунки унинг мақсади, менимча, яхшиликларга бегона, нияти... келинг, унинг юқорида келтирилганларга қўшимча мана бу гапларига ҳам ўзингиз изоҳу баҳо беринг: "Ўзбекистон дунёвий давлат дейилса ҳам, бу ерда динийлик кучайиб боряпти. Нима қилинса, одамлар дини, миллати, ирқидан қатъи назар тинч-хотиржам, бехавотир яшаши мумкин? Вазият ҳақиқатан ҳам мураккаб". Айни гапларни томоғингизга тош тиқилгандай бўлиб ўқиркан, "бу интернет дегани ёлғончи, туҳматчи, фитначи, субутсизлар учун хўпам қўл келди-да!" деган хаёл ўтади кўнгилдан. Яна Варламовнинг: "Ўзбекистон қишлоқларидаги уйлар лойдан қурилган, ёқилғиси мол тапписидан", деган гапини эшитиб... тўғриси, кейинги йилларда россиялик айрим касларнинг ўз ватандошлари ҳозирги кунда яшаб турган: ҳувиллаб ётган, замондан ортда қолиб кетган, бир қарашда одам боласи кун ўтказишига ишонгинг келмайдиган жойлар ва уларнинг аҳолиси тўғрисидаги постларини кўриб, "Энди майдони ҳам, аҳолиси ҳам жуда катта бўлган бу мамлакатнинг қай бир узоқ манзилларида бир-иккита шундай масканлар бўлса керак", деб ўйлардим. Ҳа, ўзига туппа кесолмаган беорлар бировга угра кесмоқчи бўларкан-да! Алам қиладиган яна бир жиҳати: Варламов қаерга борса, ўзини меҳмоннавозлик билан кутиб олган, тинч-осойишта ва бағрикенгликда хотиржам, яхши кайфият билан ишлаб юрган, уни патирнон, тандиргўшту кабоблар билан самимий сийлаган одамларни, бозору кўчаларда бир-бирига оқибату ҳурмат билан юрган эркагу аёлларимизни кўриб туриб шундай фикрлар билдиряпти. Бу иддаоларидан мақсади Варламовнинг "Так что, в Узбекистане есть ещё над чем поработать" деган хулосасига "кўмилган" эмасмикин?

Михаил деганлари бўлса Тошкентда бир ой яшаб, бу ердаги ҳаётнинг ўз наздида 10 та ижобий, 10 та салбий деб топган томонини санаб, гапларига сурбетларча: "Бу камчиликлар туристларнинг ташрифи, россияликлар бу ерга кўчиб келиши натижасида тузалади, деб ўйлайман", дея якун ясаган...

Албатта, булар ижтимоий тармоқда кўрган-эшитганларимдан мухтасар таассуротларим. Яна танишмаганларим қанча. Бири адрас либос кийиб, бири гулдор кўйлакда, бири елкасига зарчопон ташлаб олиб (ва ҳ.) Ўзбекистон шаънига баландпарвоз изоҳу сарлавҳалар билан чиқаётган россиялик барча блогер-эмигрантларнинг постларини кўришга, биринчидан, вақтим, иккинчидан, тоқатим етмади.

Дастлаб ғалати қарама-қаршиликка дуч келгандек бўлдим: яъни Россия Федерацияси марказида таниқли журналистлар, депутатлар, "тарихчи"лар Ўзбекистонга "катта акалик" даъвоси билан мустақиллигимизга ола қараш қилиб, ўзбекнинг тарихига туҳмату иғво ёғдираётган бир пайтда россиялик блогерлар нима учун юртимиз тинч-осойишталиги, шаҳарларимиз ободлиги, одамларнинг фазилатлари ҳақида "кукушка" бўлиб сайрашяпти? Балки... қай бири ўз иссиқ жойидан қувилгандек чиқиб кетишга, қай бири жон сақлаш умидида қочиб келган эмигрант-блогерларни тушуниш керакдир, улар шу ерда қўним топиб, тинч ҳаёт кечириш, хотиржам тирикчилик қилиш учун маҳаллий одамларнинг қалбига йўл топмоқчидир? Унда нега улар московлик "улуғ"ларининг фикрлари ўзлари кўриб-билиб турган воқеликларга зид экани ҳақида лом-мим демайдилар?

Беозоргина, енгил-елпигина тўлган постлар ичига секин-аста таъсир этувчи заҳардек сингдирилган "Так что, в Узбекистане есть ещё над чем поработать", "Бу камчиликлар туристларнинг ташрифи, россияликлар бу ерга кўчиб келиши натижасида тузалади, деб ўйлайман", каби гаплар билан балиқбошиларининг тили, режаси битталигини далиллайди, адашмасам. Юқоридагилари ўз халқига: "Бизнинг фалон жойларни қўшиб, босиб олишга ҳақимиз бор. Чунки улар тарихи, давлатчилиги бўлмаган одамлар" деган фикрни аҳолисига сингдириш билан бошқа давлатлару халқларнинг ҳаққи-ҳаддига таҳдид солгувчи хатти-ҳаракатларини ўз фуқаролари қўллаб-қувватлашини кўзлаб; югурдак кимсалари эса бизнинг соддадиллигимиз, ишонувчанлигимиз, андишаю бетгачопар эмаслигимиздан фойдаланиб, уларга уйларимиз, бағримизни кенг очиб беришимиз учун ғоявий курашни бошлаб юборгандек.

Тўғри, халқимизда "Гумон имондан айиради" деган гап ҳам бор. Юқоридаги фикрларим — шахсий қарашларим, албатта. Айтмоқчиманки, юртимизга тўғри ниятда келаётган ва ўзининг холис таассуротларини билдираётганлар ҳам кам эмас. Аммо кейинги пайтларда турли хорижий телеканаллар, хориж матбуот нашрлари, ижтимоий тармоқлар орқали ғаразли мақсадларда чиқиш қилаётганлар, очиқдан-очиқ юртимиз ўзлигига, эркига, тарихига куракда турмайдиган сўзларни айтишдан уялмайдиганлар кўпайиб бормоқда. Шундай экан, ҳар қандай вазиятда ҳам доноларнинг "Ақлли одам бир кавакдан чиқиб чаққан илоннинг ўзини иккинчи марта чақишига йўл қўймайди", "Эгилганга эгилгин бошинг ерга теккунча, кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча", "Ўзингга эҳтиёт бўл..." деган ўгит-маслаҳатларини эсдан чиқармаслик керак деган фикрдаман. Зеро, бугун ер юзининг айрим давлатларида бўлаётган мудҳиш воқеалар қалбларимизни уйғоқликка, ҳушёрликка даъват этиб турибди.

Муҳтарама УЛУҒОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси.

АЧЧИҚТОШ

СЎЗНИНГ НУҚСИ ИЙМОНГА УРҒАЙ...

ёхуд холис танқид учун журналистни ҳақорат қилган мудир ва бошқалар хусусида

Тушлик пайти эди. Бир танишим қўлидаги телефонни олдимга қўйиб: "Дўстингизнинг аҳволини қаранг", деб қолди. Бир бетайин элимизнинг ардоқли ижодкорини "қатламага ўраб олдига ташласангиз ит қарамайдиган" ҳақоратлар билан "сийлабди".

— Мана сизга сўз эркинлиги, мана сизга демократия, мана сизга глобаллашув, — деди ҳалиги танишим телефонини ўчираркан.

Ҳамкасбим Усмонали Норматов бирдан тутақиб кетди: "Иштаҳани ҳам бўғдингиз, қўйинг бунақанги ипирисқиларнинг жирканч гапларини! Сўз эркинлигига ҳам, глобаллашувга ҳам, демократияга ҳам буларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ!" деди. Шу билан мавзу ёпилди. Кечгача ўзимга келолмадим. Ноилож, ҳовуримдан тушиш, кўнглимни бўшатиш учун ижтимоий тармоқдаги саҳифамга "Эл бўлайлик!" деган пост жойлаштирдим. Унга юзга яқин ижодкорлар ижобий фикр билдиришди.

Шу воқеадан сўнг икки кун ўтиб, телеграмимга кимдир видеолавҳа ташлабди. Қарасам, катта бир ҳудуднинг ҳокими қўл остидаги раҳбар ходимларни шунақанги ҳақорат қилганки, асло курақда турмайди. Раҳбарки, бир неча юз минг аҳолига раҳнамо ҳисобланувчи, Президентимиз томонидан "Элга юракдан хизмат қил, одамларнинг дардини эшит, кўмак бер", дея қўйилган одам шундай қилиб турганда, авомдан нима умид?

Палак – палакдан ранг олади, дейдилар. Янги йилдан олдин шундоқ интернетга кирсам, Музработ туман Мактабгача ва мактаб таълими мудири, халқ тилида ҳамон "районо мудири" деб аталмиш ташкилотга раҳбар ҳисобланган Салоҳиддин Ҳамроев (бу "топилмайдиган ва бебаҳо" мудир кейинги икки-уч йил орасида бир неча бор лавозимидан олиниб, яна қайта тиклангани, ҳатто Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқарув органлари бошқарув ходимларининг билим ва кўникмаларини баҳолаш тизимидан етарли балл тўплолмагани учун у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши маълум қилингани, туман ҳокими томонидан бу "валломат"нинг вазифасига нолойиқлиги тўғрисида соҳадаги мутасаддиларга тақдимнома юборилганлиги ҳам кор қилмади! **С.О.**) унинг нопок ишларини газетага олиб чиққан журналистни, у ҳақда фикр билдирган ўқитувчиларнинг ота-онасини ҳақорат қилиб, бошидан тирноғигача балчиққа белаган эди. 2023 йил 20 декабрь куни ана шу сўкағон ва қопағон "мудир"ни суд қилишибди. Суд ҳукмига кўра ишлайверинг, деб (илгари ҳам бир неча бор судланганига қарамай. **С.О.**) айбдор мудирга атиги тўққиз миллион тўққиз юз минг сўм жарима белгилаб, одатдагидек, қарор охирида: *"Ҳукмдан норози бўлсангиз, тегишли тартибда юқори турувчи органга мурожаат қилишингиз мумкин"*, деган маънода жўмардлик ҳам қилишган. Бу шунчаки расмиятчилик, ҳатто жаримани тўламасангиз ҳам бўлади, деганими?

Ўзингиз фикр қилинг, Сурхондарё вилояти ёшларга таълим-тарбия бериш борасида ўқувчиларнинг рейтинг кўрсаткичи бўйича мамлакатимизда энг охирги ўринларни банд қилиб турган бўлса-да, Музработ тумани кўрсаткичи вилоятда янада "илғор" бўлиб, тумандаги таълим кўрсаткичлари билан асло мақтана оладиган аҳволда эмас бўлса-ю, не ажабки, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда вилоят мутасаддилари халқнинг эртасини, келажагини хал қиладиган туман бўлимига муносиб раҳбар топиш ўрнига, нега энди бундай чалажонликка, муросасозликка йўл қўйиб келишмоқда? Бу ерда биз билмайдиган қандай сир бор экан?

Жамиятда юз бераётган бунақанги мисоллардан юзлаб келтириш мумкин. Хуллас, ижтимоий тармоқ деганлари баъзида молдан фарқи бўлмаган, саводсиз, тубан ва пасткаш, ғаразгўй одамларнинг ҳузурланадиган "полигони"га айланиб қолди. Мен бунга ачинмайман, молнинг жойи – молхона, лекин истаймизми-йўқми, норасида авлод, нуридийдаларимиз — болаларимиз, набираларимиз келажаги учун бу "қутурган маданият", одоб, чегара билмайдиган "сўз эркинлиги", "ёввойи демократия" ўлим вирусидан ҳам даҳшатлироқ, хавфлироқ таъсирга эга эканлигидан чўчийман, холос.

Биласизми, Алишер Навоий бобомизнинг авлиё шоир эканлигига имон келтирмасдан илож йўқ. *"Ёмон сўзки келиб жонга урғай, Жондин ҳам ўтиб иймонга урғай"* дейди мутафаккир шоир.

Дарҳақиқат, маънавиятдан йироқ, оғзи шалоқ, тарбиясига инсон чидай олмайдиган, нопок ишлардан қайтмайдиган, халқнинг ризқига чанг соладиган касларнинг касри не-не имонли одамларга, айниқса, ёшларга салбий таъсир ўтказаётгани сир эмас-ку.

Шубҳасиз, дунё миқёсида глобаллашув жараёнининг кундан кунга ривожланиши барча соҳаларда тараққиётнинг тезлашувига олиб келиши яхши нарса. Лекин ҳар яхшининг бир ёмон томони бор, деган аксиомани унутмаслигимиз керак. Тўғрисини айтадиган бўлсак, глобаллашувнинг миллий ўзликни англаш, қадриятлар, урф-одатлар, маънавиятлар, маданиятлар, мафкураларнинг миллий, минтақавий манфаатлар кесишувидаги (тўқнашувидаги) номутаносибликларининг фарқига бормаслик, охир-оқибат у ёки бу томоннинг таназзулига олиб келади.

Чунки шиддат билан кечаётган глобаллашув даврида асрий миллий қадриятларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиб беришда ўзлигини англаб етган ва ўз СЎЗига эга бўлган миллатнинг энг зўр вакилларигина бардош бера олади. Тўғри, бугун ҳар бир фуқаро ахборот олиш, уни тарқатиш, сўз эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Дарҳақиқат, сўз — улуғ неъмат. Лекин ана шу муқаддас неъматнинг қадрига етмасдан, сўзни поймол, оёқ ости қилаётганларни ҳар қадамда учратганда ачиниб кетасан, киши. Айрим телеканалларимизда ва ижтимоий тармоқларда сўз эркинлиги берилган экан — ҳамма нарса мумкин дея иш тутиш оқибатида бачканалик, бемаънилик, жоҳиллик, авомлик ва ниҳоят разиллик уруғи кўкара бошлаётганини наҳотки сезмаётган бўлсангиз?!

Тўғри, бугун ОАВда цензурага йўл қўйилмайди. Лекин ҳар бир инсонда ички маънавий сезгирлик ва маданий "цензура" бўлиши шарт ва лозим эмасми? Ахир сўз эркинлиги — биров ёки бирор воқеа-ҳодиса ҳақида билиб-билмай, тушуниб-тушунмай, англаб-англамай, оғизга келганини, кўнгилдан кечганини айтиш дегани эмас! Айни жараёнда сўзлашув, муомала, нотиқлик, босма ва қўлёзма маданияти ноқисликлари ҳақида ҳазрат Навоий кўриб-билиб тургандек бонг урадилар: "Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билки гуҳари шарифроқ йўқ ондин". Мана шу биргина байтда инсониятнинг сўзга бўлган муносабати, тафаккур қобилияти ва ички маданияти ҳақида мукаммал таъриф берилган. У оддий ишчи бўлсин, олим ёки раҳбар бўлсин, улуғ неъмат аталмиш Сўзга, ўз она тилига, маданиятга, маърифатга, тафаккурга бўлган нописандлик, эътиборсизлик — ўзлигини англамаслик оқибатида келиб чиқаяпти, десак, нотўғри бўлмаса керак.

Биз матбуот вакиллари хизмат тақозоси билан жойларда бўламиз, йиғилишларда қатнашишга тўғри келади. Айрим раҳбарларнинг минбардан туриб айтаётган пойинтар-сойинтар, қўпол ва жаргон сўзларини эшитиб, ҳайрон қолади киши. Наҳотки шундай катта лавозимга, минг узрлар бўлсин, чўчқабоқардан фарқи бўлмаган, оғзидан чиқаётганини қулоғи эшитмаётган кимсани тайинлашган бўлса?! Ахир мажлис аҳлининг ҳаммаси зиёлилар, бунинг устига, кўпчилиги хотин-қизлар, оддийгина айтганда, шу юрт, шу эл, шу миллат вакиллари, вакилалари-ку! Наҳот улуғ халқимиз, қудратли давлатимиз берган имкониятга, ваколатга, яратилган шароитга, неъматларга шукроналик шу зайлда бўлса?! Навоий бобомиз бундай ҳолатларни бежиз куюниб таърифламаганлар: **"Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз!"**

Демак, ҳар бир айтаётган гапимизни, ҳар бир сўзимизни ўйлаб, мушоҳада қилиб, сўнг тилга кўчиришимиз лозим экан. Айниқса, хусусий телеканалларда салкам ўттиз етти миллионлик Ўзбекистон аҳли маънавий дастурхонига ҳар куни тортиқ қилинаётган ўта савиясиз, тутуруқсиз, саёз шоулар, беҳаё клиплар, ёшларимиз онгини заҳарлаб улгурган, катта авлоднинг меъдасига тегиб кетган анонс ва рекламалар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ахир ўз номи билан телеканалларми улар ё маҳалла чойхонасими?! Бу саволларга ким жавоб беради?! Айниқса, юқорида айтганимиздек, ижтимоий тармоқларга қарасангиз, кўнглингиз беҳузур бўлади. Кимларнингдир шаънига айтилаётган, ёзилаётган ўта қўпол ҳақоратли сўзларни эшитиб, беҳаё қилиқларни кўриб, ҳайҳот, шундай одамлар ҳам орамизда яшаяптими, деб тош қотасан. Шу аҳволнинг ўзи бугунги ёш авлод улуғ ва донишманд боболаримизнинг СЎЗ энг қудратли восита эканлиги ҳақидаги оламшумул кўрсатмалари, тавсиялари, ўгитларидан нақадар йироқ эканлигини кўрсатиб турибди. Охир-оқибатда тилга эътиборсизлик маънавиятимизга, жамиятимизга, энг ёмони, ёшларимизга, келажагимиз эгаларига ёмон таъсир қилмайди, деб ким кафолат бера олади?!

Яна ҳазрат Навоий **"Оғзига келганни демак нодоннинг иши, Олдига қўйганни емак ҳайвоннинг иши",** дея бонг урарканлар, гўё олти аср наридан туриб жамиятимиздаги бугунги муаммолар ва ҳолатни айнан билиб, кўриб айтган экан-да, деган ўйлар кечади.

Айни замонда миллий маънавиятимизда юзага келаётган йўқотишларнинг, қусурларнинг асл илдизлари қўштирноқ ичидаги сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, оммавий маданият, оммавий демократия каби ниқоблар остида инсонийликдан ташқаридаги ҳолатларни ҳимоя қилаётган, бир қарашда жуда беозордек кўринаётган ва четдан бошқарилаётган иллатларнинг меваси эмас, деб ҳам ҳеч ким айта олмайди!

Бизнинг миллий маънавиятимиз, маданиятимиз, маърифатимиз, мафкурамиздаги йўқотишлар, у ёки бу жабҳада кўриниб қолаётган камчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, шу соҳага масъул бўлган кишиларнинг ҳам ўзига яраша айби бор. Хўш, оммавий маданият ниқоби остида ғарбданми, шарқданми, қаердан бўлмасин, тиқиштиришаяпти, дейлик. Лекин жабҳага масъуллар нега сукут сақлаб ўтиришибди? Биз-чи, ўзимиз нима қилаяпмиз? Бу нарсани жиддий ўйлаб кўриш, кескин чора-тадбирлар белгилаш вақти аллақачон етиб келмадими?!

Ўйлаб кўринг, Орол денгизи бир кунда, бир йилда ёки ўн йилда қуримади, асрлар давомидаги масъулиятсизлик, эътиборсизлик, рақам ва режанинг орқасидан қувиш оқибатида мана шундай катта уммон таназзулга юз тутди. Миллий тил, маънавият, маърифат, қадрият деганлари ҳам минг-минг йиллик илдизга эга катта уммондир. Биз эътиборсизлик қилаверсак, охир-оқибат ўзлигимиз, миллий қадриятларимиз, маънавий дунёмизга ўнглаб бўлмас зиён-заҳмат етиши мумкин.

Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан миллий матбуотимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз, маънавиятимизнинг барча жабҳалари ҳақида керакли қонун ва қарорлар қабул қилинган. Ана шу қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш, унга тўлиқ амал қилиш, келгуси авлод олдидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этиш бир йиллик, ўн йиллик иш эмас. Токи миллат, миллий тил, маънавият, давлат бор экан, бу кураш бир кун, бир лаҳза ҳам тўхтамаслиги керак.

Зеро, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 22 декабрь куни бўлиб ўтган Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида сўзлаган нутқида биринчи навбатда юртимиз зиёлиларига мурожаат қилиб, миллий ўзлигимизни авайлаб-асраш, қадриятларимизни эъзозлаш, юртимиз мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш учун ҳам турли ёт ғояларга муносиб жавоб қайтариш кераклигини айтиб, бу йўлда фаол бўлишга бежиз ундамаган эди.

Демак, лоқайдлик, эътиборсизлик ва маънавият йўлида ҳиссиз яшашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Сафар ОМОН.

ҲАМКАСБ

ШАРҲЛОВЧИНИНГ ТЕРАН НИГОҲИ

Жадид боболар ҳақида сўз кетганда, аввало, уларнинг журналистлик фаолияти кўз ўнгимизда намоён бўлаверади. Биргина Маҳмудхўжа Беҳбудий бобомиз қанча газета-журналларга асос солган эди. Маърифатпарвар боболар ўз даврида дунёнинг тараққийпарвар давлатлари сари интилганлар. Ёшларни дунёвий илмлар ва хорижий тилларни ҳам пухта эгаллашга чорлаганлари ҳақида такрор-такрор эслаймиз, улардан андоза олишга интиламиз.

Бугун ҳам замондошларимиз орасида ана шундай эзгу ниятлар билан яшаётган, ибрат кўрсатиб ишлаётган фидойилар кам эмас. Уларни эҳтиром ила: бугуннинг жадидлари, дея эътироф этсак арзийди. Ана шундай фидойи ҳамкасбларимиздан бири — сиёсий шарҳловчи Шарофиддин Тўлагановдир.

Журналистикада сиёсий шарҳловчиларнинг ўрни алоҳида бўлиши керак. Бир пайтлар телевидениеда намойиш этиладиган “Оламда нима гап?”, “Халқаро ҳаёт” каби кўрсатувларни қизиқиш билан кузатардик, завқ билан томоша қилардик. Юртимиз мустақилликка эришгач, анча йиллар бу мавзу сустлашиб қолгани ҳам бор гап. Сўнгги йилларда Шарофиддин Тўлаганов ана шу улкан бўшлиқни ўзига хос маҳорат билан тўлдираётгани минг-минглаб мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Очиғи, бир пайтлар халқаро мавзудаги кўрсатувлар бирмунча сунъий равишда тайёрланарди. Яъни, кўрсатув ижодкорлари турли давлатлар ҳаётига оид маълумотларни қайсидир каналлар орқали олиб, шарҳлаганлар (ўзлари ўша давлатларга бориб кўрмаган). Улар ўша воқеа-ҳодисаларни худди ўз кўзлари билан кўргандек маҳорат ила шарҳлашларига мафтун бўлиб кўраверганмиз.

Шарофиддин Тўлаганов эса дунё кезар экан, аввало, журналист сифатида замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри эфир орқали барчани ўзига “сафардош” қилади. Сўнгги йилларда Туркия, АҚШ, Саудия Арабистони, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Чехия, Хитой каби қатор мамлакатлардан тўғридан-тўғри эфирлар орқали намойиш этган туркум лавҳалари юртдошларимизни ана шу давлатларга ошно этиб қўйди десак, хато бўлмайди.

Одамлар қалбига йўл топиш, хорижликлар билан тиллашиш маҳорати кучли Шарофиддин Тўлагановда. У мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор хориж давлатлари элчихоналари билан мунтазам алоқада. Бу дўстона алоқаларнинг барчаси нигоҳи ўткир сиёсий шарҳловчи учун ўзига хос маҳорат мактабига айланиб бормоқда. Шу тариқа у курраи замин узра юз берадиган воқеаларни ҳозиржавоблик билан ўрганади.

Эътибор берсангиз, дунёнинг қай бурчида бирор муҳим воқеа-ҳодиса юз берса, кўп сонли ахборот шайдолари, албатта, Шарофиддин Тўлагановга юзланадилар. Шунга яраша маҳоратли сиёсий шарҳловчи ўз сўзини баралла айтаверади.

Ҳамиша ижодий изланишда бўлган Шарофиддин дўстимизнинг яна бир ноёб мавзуси: бу — вақти-вақти билан эътиборга молик кунлар ҳақида бўлади. Биз борган сари дунёни теран нигоҳ ила ўрганаётган эканмиз, деярли ҳар бир кун бирор соҳа ходимларига бахшида этилганини англаб етаяпмиз. Унинг “Бу сирли дунё” деб номланган тўпламида дунё узра нишонланадиган кунлар ҳақида батартиб маълумотлар берилади. Жумладан, журналистика соҳасига оид қизиқ маълумотларни ўзгача иштиёқ билан мутолаа қиласиз. Дейлик, “13 февраль — Жаҳон радио куни” сарлавҳали мақоласи ва “7 май — Радио куни” мақоласида ҳар йили икки маротаба радио куни нишонланишини билиб оламиз. Унда Иккинчи жаҳон уруши даврида радиога қанчалик қулоқ тутишганига алоҳида эътибор қаратилади. Яъни, “одамлар “Ғалаба” сўзини эшитиш учун радио тинглаган”лигига урғу берилган. Муаллиф қайд этишича, радиода “Уруш бошланди” деган совуқ хабардан “Ғалаба” деган қувончли хабар янграгунча 1418 кун давомида радиодан минглаб ҳам қувончли, ҳам қайғули хабарлар тарқатилган.

Тўпламдан ўрин олган “Нега 4 апрелда халқаро Интернет куни нишонланади?” сарлавҳали мақолада эса аввалига бу кунни нишонлаш борасида турли саналар таклиф этилгани, аммо бирортаси оммалашмагани айтилади. Шу тариқа 1999 йилда Интернет ҳомийси номзодлари учун танлов эълон қилинган. Бир нечта номзод орасидан тарихда биринчи 20 жилдлик “Etymologiae” (“Этимология”) энциклопедияси муаллифи Исидор Севильский танлаб олинган. Шу тариқа у туғилган сана халқаро Интернет куни сифатида кенг нишонланадиган бўлган. Ўзбекистонда Интернет куни 29 апрель десак, янглишмаган бўламиз. Чунки 1995 йилнинг айнан шу санасида “uz” доменига асос солинган эди.

Муаллифнинг “Айнан ёзув орқали онгли инсоният тарихи бошланган” сарлавҳали мақоласида 1995 йилнинг 15 ноябрь куни ЮНЕСКО Бош конференцияси 28-сессиясида (№3. 18) резолюция қабул қилингани қаламга олинади. Унга кўра, маърифий ва маданий анъаналарни ривожлантириш мақсадида 1996 йилдан бошлаб ҳар йили 23 апрелда “Жаҳон китоб ва муаллифлик ҳуқуқлари куни” (World Book and Copyright Day) нишонланади. Ўша йили болалар ва ўсмирлар адабиёти тарғиботи билан шуғулланганларни мукофотлаш мақсадида ЮНЕСКО мукофоти ҳам таъсис этилади. Чунки китоб илмни кенг тарқатиш ва билимни сақлаб қолишнинг бирдан-бир манбаидир.

2001 йилдан бошлаб яхши бир анъана пайдо бўлган. Яъни, ҳар йили қайсидир шаҳар “Жаҳон китоблари пойтахти” мақомига эга бўлади. Бундай шаҳар, албатта, ЮНЕСКО таъсис этган махсус қўмита томонидан танланади.

“Бу сирли дунё” китобидан “3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни” сарлавҳали таҳлилий мақола ҳам ўрин олган. Унда қайд этилишича, “Давримиз хақли равишда Ахборот асри деб номланади. Жаҳон ягона ахборот майдонига айланиб бўлди”.

Муаллиф ажиб қочиримлар, ҳазил-мутойибалардан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Унинг ёзишича: “Финларда “дераза ойнасини журналистлар синдиради, уни ҳукумат қайта ўрнатади” деган гап бор экан. Истардикки, ҳамкасбларимиз мана шу ойнани — тўғриғоғи, инсонларнинг кўнгил ойнасини синдирмасинлар. Кўнгил ойнасини қайта тузатиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Айтиш жоизки, кўзни каттароқ очиб, ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни теранроқ англасак, айни муддао бўлар эди. Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган ва ривож топаётган, илгари учрамаган, ечими ўта оғир ва мураккаб бўлган турли муаммоларни туғдираётган XXI асрда яшаётганимизни ҳеч эсимиздан чиқармаслигимизни истардим”, дея якунланади мақола.

Муаллиф “27 июнь — Матбуот ва ОАВ ходимлари куни” сарлавҳали мақоласида шундай ёзади:

“Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшаяпмиз. Ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандайдир воқеа юз бермасин, одамзод бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида турган бўлишига қарамай, зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, дея бепарво қараб бўлмайди. Ҳаётимизнинг бирор-бир соҳасини ахборотсиз тасаввур қилиб бўлмайди”.

Тўпламдан ўрин олган “8 сентябрь — Халқаро журналистлар бирдамлиги куни” сарлавҳали мақолада бўлса қуйидаги маълумотлар келтирилади:

“Бугунги кунда журналистика жаҳондаги энг хавфли касблардан бири бўлиб қолмоқда. Журналистлар дунёнинг деярли барча бурчакларида таҳдидларга дуч келмоқда. 1958 йили Халқаро журналистлар ташкилотининг Бухарестда бўлиб ўтган Тўртинчи конгресси қарорига кўра ҳар йили Халқаро журналистлар бирдамлиги куни (International Day of Journalists’ Solidarity) нишонланади. Конгресс иштирокчиларининг фикрича, шу куни дунё мамлакатлари журналистлари жаҳонга ўзларининг бирдамликларини, айниқса, ўз ҳуқуқларини биргаликда ҳимоя қила олишларини намоён этишлари керак эди. Кейинчалик БМТнинг навбатдаги конференциясида ҳам “8 сентябрь — Халқаро журналистлар бирдамлик куни” дея эълон қилинди. Шу тариқа 8 сентябрь журналистларнинг навбатдаги касб байрами эмас, балки ўзларининг якдилликлари ва бирдамликларини намоён қила оладиган кун сифатида тарихга кирди”. Унда таъкидланишича, “Саводхонлик инсоннинг шахс этиб шаклланишида энг муҳим омил экани ҳеч кимга сир эмас. Саводли инсон ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши аниқ. Саводхонлик нафақат ҳуқуқ, балки мажбурият эканини асло унутиш керак эмас. Ҳар йили 8 сентябрда Халқаро саводхонлик куни нишонланади. Бу байрам ЮНЕСКО томонидан 1966 йилда жорий этилган”. Шу тариқа Халқаро саводхонлик кунини эндигина ҳарф таниётганлардан тортиб, ўқувчи ва талабаларга таълим бераётган устозларгача нишонлаши ўзига хос анъанага айланиб бормоқда.

Китобдан ўрин олган “21 ноябрь — Жаҳон телевидение куни” деб номланган мақолада таъкидланишича, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясига биноан ҳар йили 21 ноябрь — “Жаҳон телевидение куни” (World Television Day) сифатида нишонланади. Ҳар йили “Жаҳон телевидение куни”ни нишонлаш тинчлик ва тараққиётнинг кенг қулоч ёзишида “Ойнаи жаҳон”нинг ролига эътибор қаратишдан иборат. Эслатиб ўтамиз, телевизорнинг ватани дея Ўзбекистон пойтахти — Тошкент эътироф этилади. Чиндан ҳам дунёда илк бор телевидение 1928 йилда айнан Тошкентда ихтиро қилинган! Яъни, ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети физика факультети ихтирочи-тадқиқотчилари Борис Павлович Грабовский ва Иван Филиппович Белянскийлар электрон-нур ёрдамида ҳаракатдаги тасвирни бир жойдан иккинчи жойга узатадиган ва қабул қиладиган “радиотелефот”ни кашф этганлар. Тажриба сифатида қўлланилган илк телевизион ускуна ўша пайтда “Телефот” деб номланган.

Китобни мутолаа қилиш асносида “28 декабрь — Халқаро кино куни” эканлигини ҳам билиб оламиз. Шу сарлавҳа остида ёритилган мақолада баён этилишича, *“Кино кўчма маънода ҳам, тўғри маънода ҳам ҳаёт. Кино инсонга ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Олимларнинг фикрича, фильмлар одамларга ўз муаммоларини бир зум бўлса-да унутишга хизмат қилиб, кайфиятини кўтаради. Бунинг учун фильм қайси жанрда бўлишининг фарқи йўқ”.* Бу мавзуда ҳам муаллиф мулоҳазалари ўқувчилар дунёқарашини маънан бойитишга хизмат қилади.

Очиғи, ЎзМУ журналистика факультетида таҳсил олаётган талабаларни шундай етук устозлар даражасида журналист-кадр қилиб камолга етказиш мақсадида қатор ижодий маҳорат мактаблари ташкил этилган. Улар орасида “Шарофиддин Тўлаганов ижодий маҳорат мактаби” алоҳида ўрин тутади.

Бўлғуси журналистлар устознинг ҳаёт йўлига ҳам катта қизиқиш билан қарайдилар. Маълумки, қаҳрамонимиз 1964 йилда Қозоғистоннинг Чимкент (ҳозирги Туркистон) вилоятида туғилган. 1989 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)ни ўрта мактаб тарих ва жамият-шунослик ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Азалдан журналистикага қизиққан йигит ўз фаолиятини Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” радиосининг “Ижтимоий ҳаёт” бош муҳарририятида муҳаррир сифатида бошлади. “Илм — ақл чироғи”, “Мустақиллик ва дунёқараш” каби эшиттиришларга муҳаррирлик қилди. 1996-98 йилларда “Халқаро ҳаёт” бош муҳарририятида сиёсий шарҳловчи лавозимида фаолият юритди. “Дунё”, “Халқаро кундалик”, “XXI аср бўсағасида” каби эшиттиришлари радиотингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. 1998-2002 йилларда “Ахборот” бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари, 2002-2003 йилларда эса “Ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар” бош муҳарририяти бош муҳаррири лавозимларида самарали ишлади. Айни пайтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телерадиоканали” давлат унитар корхонаси бўлим мудири вазифасида самарали фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда, Шарофиддин Тўлаганов ижтимоий тармоқларда ҳамиша фаол. Унинг турли газеталарда ёритилаётган долзарб мавзудаги публицистик мақолалари, мушоҳадаларга бой эсселари мухлислари эътиборидан четда қолмайди.

У бош-қош бўлган таҳририятларда, аввало, ижодий муҳит кучаяди. Замон талабларига яраша эшиттиришлар савияси оширилди. Тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган “Эврилиш” эшиттиришини тайёрлаб, унга бошловчилик қилди. Бу эшиттириш кўп сонли тингловчилар эътиборини тортди. “Ахборот” информацион ва “Оқшом тўлқинларида” ахборот-мусиқий эшиттиришларига Шарофиддин Тўлаганов муҳаррирлик қилган йилларни кўплаб мухлислари энтикиб эслайдилар. Унинг “Газеталар шарҳи”даги чиқишлари ҳам ўзига хос эди. 1998-2006 йилларда ҳаво тўлқинларига узатилган “Шарҳловчи минбари” эшиттиришидаги шарҳлари тингловчиларга доим манзур бўларди. Бу туркум эшиттиришларда мамлакатимиз миллий тараққиёт йўли ва стратегияси, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари ўзига хос тарзда акс этарди. Унинг шундай долзарб мавзудаги туркум эшиттиришлари 2006 йилда “Олтин қалам” I халқаро танловининг бош миллий мукофотига бежизга муносиб кўрилган эмас-да.

Радио соҳасида катта билим ва тажрибага эга ҳамкасбимиз “Ахборот” информацион эшиттиришлари такомиллашувига, бадиий-ғоявий савиясининг оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. У “Халқаро маълумотлар” гуруҳига раҳбарлик қилар экан, тингловчиларда қизиқиш уйғотадиган, энг муҳими, давлатимиз сиёсатини самарали тарғиб қиладиган жозибали, сермазмун радиоэшиттиришлар тайёрлашга бел боғлайверади.

Шу билан бир қаторда “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Hurriyat”, “Даракчи” каби газеталар, “ЎзА”, “tnews.uz” сайтлари билан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу нашрларда, минбарларда унинг долзарб масалаларга бағишланган таҳлилий мақола ва шарҳлари катта қизиқиш уйғотади.

Қирқта роман ўқиган инсон қирқ биринчисини ўзи ёзади, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Қўлидан китоб тушмайдиган ижодкор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шарофиддин Тўлагановнинг сўнгги йилларда “Турбат тарихи”, “Турбат йўлидаги қайдлар”, “Бу сирли дунё”, “Туркия менинг нигоҳимда” деб номланган китоблари адабиёт ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинди. Мазкур китобларни қунт билан ўқиган ёш қаламкашлар келгусида ундан-да сермазмунроқ мақола ва асарлар ёзишларига умид қилса бўлади. Бу — “Шарофиддин Тўлаганов ижодий маҳорат мактаби” тингловчиларига айтадиган сўзимиздир.

Шу кунларда олтмишинчи баҳорининг олтин остонасида турган забардаст ижодкор ва изланувчан шарҳловчининг орзулари бир олам. Бу орзулар ҳали қоғозга тушиб улгурмаган кўпдан-кўп мавзуларидир. Ижоднинг ана шу нурли чўққисида унга омадлар тилаймиз.

Тўлқин ЭШБЕК,
филология фанлари номзоди, доцент.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими томонидан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист Отажон Халмуратов хотираси ва ижодига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни “Ёш журналистлар” клуби раҳбари, журналистика кафедраси доценти Зияда Қожиқбаева олиб борди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими раиси Кенгесбай Реймов, “Еркин Қарақалпақстан” газетаси масъул котиби Сағиндиқ Жаниев, ҚДУнинг журналистика кафедраси доценти Даўлетбай Бекбаулиев сўзга чиқиб, Отажон Халмуратовнинг Қорақалпоғистон журналистикасидаги ўрни хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Отажон Халмуратов меҳнат фаолиятини “Жеткиншек” болалар газетасидан бошлагани, “Қарақалпақстан” нашриёти, “Қарақалпақстан жаслары” газетасида фаолият олиб боргани, журналистика соҳасига қўшган ҳиссаси алоҳида таъкидлаб ўтилди. Таниқли журналистнинг ижодий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш юзасидан маълумотлар берилди.

Тадбир якунида “Ёш журналистлар” клуби аъзолари, талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

ОАВ ВАКИЛЛАРИ МЕРГАНЛИК БЎЙИЧА БАҲСЛАШДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими ҳамда Миллий гвардия вилоят Қўриқлаш бошқармаси ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ва ижтимоий тармоқ фаоллари иштирокида камондан отиш спорт тури бўйича мусобақа ташкил этилди.

Камондан отиш мусобақасида 50 нафарга яқин журналист қатнашди. Баҳслар эркаклар ва аёллар ўртасида алоҳида кечди ва ҳар бир иштирокчига уч мартадан имкон берилди, эркаклар 14 метр, аёллар эса 10 метр масофадан ўз мерганлик маҳоратларини синади.

— Бу спорт тури инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам тез қарор қабул қила олиш қобилиятини, фикрини жамлаш, диққатини бир нуқтага қаратиш имкониятларини оширади, шунингдек, омиллар, сабаблар, оқибатлар ҳақидаги мулоҳазаларини бойитади, таҳлил қилиш имконини беради. Журналист учун ҳам мана шундай имкониятлар зарур. Демак, ушбу спорт тури ва журналистиканинг умумий хусусиятида ўхшашликлар бор, — деди мусобақада иштирок этган Мадина Раҳмонова.

Якуний натижаларга кўра, эркаклар ўртасида 1-ўрин “Ёшлар” телерадиоканалининг Жиззах вилояти бўйича телеоператори Жўрабек Ўсаровга, аёллар ўртасида эса “Жиззах ҳақиқати” газетаси катта мухбири Гулчеҳра Хидировага насиб этди.

Ташкилотчилар мусобақани анъанавий тарзда ўтказишга келишиб олдилар.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ҲУҚУҚ

ҲУКМ УСТИДАН АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ БЕРИШ МУДДАТИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловнинг сифатини янада ошириш мақсадида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинки, 2023 йил 27 сентябрда Президентимиз томонидан имзоланган Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига янги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши шу йўлдаги ижобий қадамлардан биридир.

Унга кўра, Кодекс қуйидаги боблар билан тўлдирилди:

“Ҳукмларнинг, ажримларнинг, қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари” (55-боб);

“Суднинг ҳукми, ажрими устидан тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш” (56-2-боб).

Шунга кўра, бундан буён:

суд ҳукмлари, ажримлари, қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва тафтиш тартибида текширилиши мумкин.

Жиноят ишини апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўришда прокурор иштирок этади.

Суд жиноят ишини апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўришда шикоят ёки протест важлари билан чегараланмайди ва ишни барча маҳкумларга, шу жумладан, тегишли шикоятни бермаган шахсларга ёки ўзига нисбатан шикоят (протест) берилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади.

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, унинг вакили биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация, тегишли тафтиш тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари, шунингдек, апелляция ёки кассация, тегишли тафтиш инстанцияси судларининг ҳукмлари, ажримлари устидан тафтиш тартибида шикоят беришга ҳақлидир.

Агар шикоятда ёки протестда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги ҳақидаги, жазони кучайтириш тўғрисидаги ёки маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгаришлар ҳақидаги масала қўйилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёхуд ажримини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишга, шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишга фақат у қонуний кучга кирганидан кейин 1 йил ичида йўл қўйилади. Ҳукм чиқарган суд жиноят иши тафтиш инстанцияси судига юборилганлиги тўғрисида тегишли шахсларни 3 сутка ичида хабардор қилади. Қонун билан, шунингдек, ҳукм устидан апелляция шикоятларини (протестларини) бериш муддатлари 20 суткадан 10 суткага қисқартирилди. Шунингдек, суд ҳукми, ажримини ва қарорини ижро этиш чоғида юзага келган масалаларни ҳал қилиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдириш тартиби белгиланди.

Мазкур қонун 2024 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Хуршид ИБРАГИМХОДЖАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман судининг судьяси.

СЎЗ ЧАМАНИ ИЧРА СЎЛМАС ДАРАХТИМ

Шу йилнинг 23-26 январь саналарида Озарбайжонда Ўзбекистон Республикаси фан ва маданият кунлари кўтаринки руҳда ўтказилди

Озарбайжон Ёзарлар бирлигида ижодий учрашув

1-б.

Биз бир гуруҳ ёзувчи-шоирлар – Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрацияси масъул ходими, таниқли ёзувчи Ғафур Шермуҳаммад, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Хосият Рустамова меҳмонхонадан Дунё ёш туркий ижодкорлар уюшмаси раиси Интиқом Яшар ҳамроҳлигида Озарбайжон Ёзарлар бирлиги томон йўл олдик. Ёзарлар бирлиги биноси Бастакорлар уюшмаси, Миллий кутубхона билан бир қаторда жойлашган экан. Бизни Ёзарлар бирлиги раиси ўринбосарлари Салим Бабулла ўғли ҳамда Илғор Фаҳмийлар қарши олишди. Ёзарлар бирлигида эсда қоладиган адабий-маърифий тадбир ва саёҳат бўлди десам муболаға бўлмас.

Салим Бабулла ўғли бизни дастлаб Ёзарлар бирлиги биноси ва ижодкорлари билан таништирди. “Анар муаллим бироз хасталар, бугун кела олмайдилар, аммо “Туркий адабиёт дурдоналари” китоби тақдимотида қатнашиб, сизлар билан дилдан суҳбат қилишларини айтиб, узр сўрадилар”, — деди Салим оға. Сўнгра Анар муаллимнинг хонаси сари етаклади. Хонага кириш билан устоз ёзувчимиз Эркин Аъзам: “Анар муаллимнинг хонаси музей экан-ку”, дея ўз ҳайратларини билдирди. Ҳа, ростданам Анар муаллимнинг ишхонаси жажжи музейнинг ўзгинаси эди. Устоз столи устида Ганжавий, Навоий, Фузулий боболарнинг бюстлари, тасвирлари туширилган эсдалик буюмлар турибди. Деворда Анар муаллимга қадар ўтган Ёзарлар бирлиги раисларининг суратлари ҳамда озарбайжон мумтоз шоирларининг тасвирлари туширилган кичик ўлчамдаги гиламлар илиб чиқилган. Ёзувчининг диди, ўзгача нигоҳини хона дизайнидан ҳам билиш қийин эмасди. Буларнинг барчаси ўз юртига, милларига ҳурмат ифодаси дейиш мумкин. Дарвоқе, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, устоз Сирожиддин Саййиднинг хонаси ҳам худди Анар муаллимнинг хонаси каби ўзига хос музейга ўхшашини эсладим. Бу жиҳатдан ҳам икки забардаст ижодкорнинг ўй-мақсадлари муштараклигини пайқаса бўлади. Ва албатта, шу ўринда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида жойлашган мўъжазгина музейимиз ҳам ёдимга тушди. Унга кирган одам Уюшмамизнинг ўтмишидан тортиб бугунги кунига қадар бўлган фаолияти хусусида муайян тасаввурга эга бўлиб чиқади. Уюшма йўлаклари деворларига ўзбек адабиётининг етук намояндалари сувратлари тартиб билан қўйилган. Ёзарлар бирлиги биносида ҳам шундай расмлар оз бўлса-да бор экан.

Шундай кейин бизни тадбирлар зали сари етаклашди. У ерда бир гуруҳ озарбайжон шоиру адиблари, адабиётшунос олимлари, таржимонлари тўпланиб туришган экан. Бизни: “Ватандан Ватанга галан қўноқлар, хуш галдиниз”, дея кутиб олишди. Тадбир бошланди. Уни Озарбайжон Ёзарлар бирлиги раиси ўринбосари, таниқли шоир Салим Бабулла ўғли олиб борди. Таддирда сўз олганлар ҳар икки давлат етакчиларининг адабиётга бўлган эътиборлари хусусида гапиришди. Ўзбек адиблари Эркин Аъзам, Ғафур Шермуҳаммад, Хосият Рустамова, озарбайжон адиблари Салим Бабулла ўғли, Рамиз Аскар, Илғор Фаҳмий, Сайфиддин Ҳусайнли, Интиқом Яшар кабилар адабий алмашинувлар бугун ҳар қачонгидан зарур эканлигини қайд этишди. Тадбир давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари томонидан Озарбайжон Ёзарлар бирлиги қошидаги “Дунё адабиёти” журналининг 2024 йилдаги сонларидан бирини тўлиқ ўзбек адабиётига бағишлаш таклифи берилди. Журналнинг бош муҳаррири Сайфиддин Ҳусайнли туркий халқларнинг бир-бирига яқинлашувида адабиётнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлади ва бизнинг таклифимизни мамнуният билан қабул қилишини айтиб ўтди. Бу амалга ошса, катта натижага эришган бўламиз албатта. Ўз навбатида ўзбек ёзувчи-шоир таржимонлари озар адибларининг асарларини таржима қилиб матбуотда эълон қилишади. Тадбир давомида шоира Хосият Рустамованинг озарбайжонда нашр этилган китоблари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

“Туркий адабиёт дурдоналари” адабий обидаси тақдимоти

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2019 йил 15 октябрь куни Боку шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги саммитида ташкилотга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлик китоблар мажмуасини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш ташаббусини илгари сурган эди.

Ушбу ташаббус асосида қисқа вақт ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда мазкур муҳташам адабий тўплам яратилиб, ўзбек тилида чоп этилди.

Мазкур йирик адабий лойиҳага умумтуркий адабиётнинг энг етук намуналари Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, шунингдек, кузатувчи мамлакатлар – Туркманистон ва Венгрия давлатларидан жами 1100 нафар атоқли шоир, адиб ва мутафаккирларнинг баркамол асарлари киритилгани унинг кўлами ва миқёсидан далолат беради.

Ёдингизда бўлса, “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуаси 2022 йил ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти раҳбарлари саммитида илк бор мамлакатларимизнинг муҳтарам етакчиларига тақдим қилинган ва уларнинг ижобий эътирофига сазовор бўлган эди.

Ҳозирги кунда ушбу китоблар Ўзбекистондаги барча кутубхоналар, олий ўқув юртлари, ўрта мактаблар, ижодий уюшмалар, илм-фан марказлари, хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналаримизга тарқатилиб, маданий жамоатчилик ва ёшларимиз томонидан кенг ўқиб-ўрганилмоқда.

Маълумки, мазкур китоблар мажмуаси тақдимоти дастлаб Ўзбекистонда, кейин Туркиянинг Анқара шаҳрида бўлиб ўтди. Худди ана шу тадбир Боку шаҳрида ҳам ўтказилаётганининг ўзгача мазмун-моҳияти бор. Айтиб ўтилганидек, Давлатимиз раҳбари томонидан бу муҳташам китоб ғояси мана шу ўлкада эълон қилинган эди.

26 январь куни эрта тонгдан ёзувчи Ғафур Шермуҳаммад, ношир Умид Ҳайитов ва Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчихонасининг чаққон ходимлари ҳамроҳлигида Озарбайжон Халқаро мақом маркази томон йўл олдик. Режага мувофиқ, бир неча соатлардан кейин “Ўзбекистон фан ва маданияти кунлари” доирасида Боку шаҳридаги Озарбайжон халқаро муқом марказида “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлик асарлар мажмуасининг тақдимоти бўлиб ўтиши керак.

Кўм-кўк тўлқинлари солланиб турган Ҳазар соҳилида жойлашган бинода ям-яшил муқовали “Ўзбек адабиёти дурдоналари” 100 жилдлик китоблари бирам ярашиб турибдики! Тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, озарбайжонлик ва ўзбекистонлик ижодкорлар иштирок этди.

Тақдимот тадбирида Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Акмал Саидов ва бошқа сўзга чиққанлар икки қардош мамлакат ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлашди.

“Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуаси жами туркий тилли давлатлар адабиётида муносиб ўринга эга 1100 нафар муаллифни қамраб олган. Мажмуада 133 нафар машҳур шоир ва адибга алоҳида жилд ажратилди. Шундан 88 нафар ижодкорнинг асарлари ўзига замондош, услуби ва йўналиши жиҳатидан ҳамоҳанг бўлган бошқа адиб ва шоир билан битта жилдга киритилди. Якка ўзига алоҳида жилд ажратилган ижодкорлар сони 45 нафар бўлди.

Мажмуада Озарбайжон адабиётига 16 жилд ажратилган. Озарбайжон адабиёти Низомий Ганжавийнинг ғазаллари ҳамда “Лайли ва Мажнун” достони билан бошланади. Озарбайжон мумтоз адабиётининг йирик вакиллари Насимий, Маҳсатий Ганжавий, Хоқоний, Ҳайрон хоним, Хуршидбону Нотавон, Фузулий шеъриятидан намуналар, шунингдек, озарбайжон драматургияси асосчиси Ҳусайн Жовид драмалари, Юсуф Чаманзаминли, Мамедсаид Ўрдубодий, Мирза Иброҳимов романлари, Самад Вурғун, Бахтиёр Ваҳобзода, Халил Ризонинг шеър ва достонлари билан давом эттирилди. Мажмуа учун Саидазим Ширвоний, Муҳаммад Ҳодий, Собир Алиакбар ғазаллари, Аҳмад Жавод, Сулаймон Рустам, Олмос Йилдирим, Микоил Мушфиқ, Расул Ризо, Наби Ҳазрий шеърлари махсус таржима қилинди. Замонавий озарбайжон адабиёти вакиллари Анар, Собир Рустамхонли, Рамиз Равшан асарлари алоҳида жилдларда тақдим этилди.

Озарбайжон замонавий шеърияти ва насри антологияларига Бунёдзода Улвий, Салим Бабулла ўғли, Акбар Қўшали, Ғанира Пошшаева каби шоирлар, Фируз Мустафо, Илғор Фаҳмий каби ёзувчиларнинг ҳикоялари киритилган бўлиб, ушбу антологияларга жами 100 га яқин ижодкорнинг асарлари жамланган.

Озарбайжон адабиёти бўлимини нашрга тайёрлаш ишларига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва таржимон Тоҳир Қаҳҳор бошчилик қилди. Озарбайжон адабиёти жилдларини нашр қилишда бугунги кунда фаол таржимонлик фаолияти билан шуғулланаётган Бобохон Муҳаммад Шариф, Шаҳло Қосимова, Карим Баҳриев, Муҳиддин Омонлар катта хизмат қилишди.

Ғафур Ғулом, Жуманиёз Жабборов, Тўхтасин Жалолов, Усмон Қўчқор, Ойдин Ҳожиева каби устоз таржимонларнинг озарбайжон шеърияти ва насридан қилган таржималаридан ҳам кенг фойдаланилди.

Ушбу 100 жилдлик асарлар мажмуасини тайёрлашда 200 дан зиёд таржимон-адиблар қатнашди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан яна 50 га яқин адабиётшунос ва матншунос олим, адиб, муҳаррир ва рассом нашрга тайёрлаш, чоп этиш ишларига кенг жалб этилди. Мажмуа чин маънода халқаро лойиҳа бўлди. Қирғиз адабиёти намуналарини ўзбек тилига ўгиришда Қирғизистонда истиқомат қилаётган 25 нафар ўзбек шоир ва адиби, Қозоғистонда яшаётган 10 дан ортиқ ижодкор, Туркманистондан 3 нафар, Туркиядан 2 нафар ижодкор иштирок этди. Мажмуани нашрга тайёрлашда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига фахрий аъзо бўлган қардош мамлакатлар фуқаролари яқиндан ёрдам берди. Масалан, озарбайжонлик таржимон Рамиз Асқар, қирғизистонлик ижодкорлар Авлиёхон Эшон, Бегижон Аҳмедовнинг иштироки самарали бўлди.

Тадбирда, шунингдек, Озарбайжон Ёзарлар бирлиги раиси, Озарбайжон халқ ёзувчиси Анар муаллим, Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчиси Баҳром Ашрафхонов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, “Тафаккур” журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам, Озарбайжон Ёзарлар бирлиги раиси ўринбосари, шоир Салим Бабулла ўғли, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, озарбайжонлик адабиётшунос олим Алмаз Улвий, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Гулбаҳор Саидғаниева ва бошқалар сўзга чиқди.

— Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни жуда ҳурмат қиламан, яхши кўраман, – деди Анар муаллим. – Биринчидан, у туркий дунёни, туркий мамлакатларни бир-бирига яқинлаштирди. Иккинчидан, адабиётга жуда катта эътибор бермоқда. Учинчидан эса у озарбайжон халқининг дўсти. Биз озарбайжонлик ижодкорлар ҳам, албатта, ўз она тилимиз – озар тилида ҳам ушбу муҳташам мажмуани нашр этамиз. Бу китоблар нашри билан боғлиқ масалаларда ўзбек қалам аҳлининг тажрибаларидан унумли фойдаланамиз.

Бокуда “Ўзбекистон фан ва маданият кунлари” катта шукуҳ билан ўтаётган кунлари Португалияда бўлиб ўтаётган Дзюдо кураши бўйича Гран-При турнирида ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида дзюдо ватани Японияни ҳам ортда қолдиришганини, Дилшод Баратов, Диёра Келдиёрова каби спортчи ўғил-қизларимиз олтин медалларни қўлга киритганларини эшитиб, кўнглимиз янада фахр ва ғурурга тўлди.

Дарвоқе, тақдимот маросимида Ўзбекистонда янги таъсис этилган “Жадид” газетаси ҳақида ҳам сўз борди. Йиғилганлар янги газетанинг концепцияси, унинг ўз олдига қўйган вазифалари ҳақида саволлар беришди.

Тадбирда таниқли санъаткорлар Рамиз Усмонов, Озода Нурсаидова, Моҳичеҳра Шомуродованинг қўшиқлари янада файз киритди.

Тадбир сўнгида “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуасидан бир тўпламдан Озарбайжон Миллий кутубхонасига, Фузулий туманидаги Мирзо Улуғбек номли мактабга, Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги элчихонаси кутубхонасига тақдим этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Озарбайжонда “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуасини озарбайжон тилида тайёрлаш таклифи мамнуният билан қабул қилинди. Озарбайжон Ёзарлар бирлиги томонидан яқин келажакда ушбу лойиҳани амалга ошириш учун намуна сифатида “Ўзбекистон” нашриёти томонидан нашр этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” китобларининг PDF форматини олишда ҳамда ижодий ҳамкорлик кўрсатиш борасида ёрдам сўралди.

Яна бир маълумот: шу куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев бутун туркий дунёнинг севимли шоири Муҳаммад Фузулийнинг 530 йиллик юбилей тантаналарини ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чеккан экан. Шу боис ҳам тақдимот яна ҳам баланд руҳда ўтди.

Таъкидлаш керак, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси мутасаддилари ва илмий-ижодий ходимлари, нуфузли ишчи гуруҳ аъзолари, муҳтарам таржимонларимиз, юздан ортиқ мунаққид ва матншунос олимлар, адиблар, муҳаррир ва мусаҳҳиҳлар, китоб рассомлари, “Ўзбекистон” нашриёти ва босмахона ишчилари, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи бўлган мамлакатлар элчихоналарининг масъул вакиллари биргаликда меҳнат қилиб, мана шундай улкан ижодий лойиҳани амалга оширишга эришдилар.

Мазкур адабий лойиҳани амалга ошириш орқали қардош туркий давлатлар ўртасидаги адабий алоқалар янги босқичга кўтарилди деб айта оламиз. Шу маънода, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлик китоблар мажмуасини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш ташаббусини бошқа туркий давлатлар, хусусан, озарбайжон томони ҳам амалга оширса улуғ иш бўлади. Натижада адабий алмашинувлар, адибларимизнинг бир-бирларини яқиндан билиш имкониятлари яна ҳам кенгаяди. Ушбу 100 жилдлик китоблар мажмуасида жам бўлган адабий хазина бугунги глобал ва таҳликали дунёда инсониятни тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликка, эзгулик ва яхшиликка, илму маърифатга даъват этувчи беқиёс маънавий куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мен эса шукуҳли учрашувлар, суҳбатлардан илҳом олиб ушбу шеъримни битдим:

Сўз чамани ичра сўлмас дарахтим,
Руҳимда порлаган андуҳим, бахтим,
Бу адаб мулкида азим пойтахтим,
Низомий, Навоий, Фузулий, Машраб.

Мусҳаф чашмасидан сув ичган боғлар,
Мангу офтоб янглиғ ўчмас чироғлар,
Толиб кўнгилларга боқий сабоқлар,
Низомий, Навоий, Фузулий, Машраб.

Қон дилим, жон дилим – “Махзан ул асрор”,
Айт ким у сўрсалар, “Ҳайрат ул аброр”,
Юз марта, минг марта айтаман такрор,
Низомий, Навоий, Фузулий, Машраб.

Мунажот айлади юрагим тома,
“Мабдаи нур” асли “Муҳаббатнома”,
Олам, алик олгин қутлуғ салома,
Низомий, Навоий, Фузулий, Машраб.

Чўғ ковлаб қорадир косовнинг ранги,
Дилларда қолмасин адоват занги,
Қалбларга таралган пок ишқ оҳанги –
Низомий, Навоий, Фузулий, Машраб.

Мажнун бўл, топганинг Лайло бўлади,
Тупроқни ушласанг кимё бўлади,
Дунёдан ҳам мангу дунё бўлади,
Низомий, Навоий, Фузулий, Машраб.

Ўт надир, ошиқи мардман аслида,
Қирқ йил ёққан ёмғир – дардман аслида,
Ҳазрат боболардан гардман аслида,
Низомий, Навоий, Фузулий, Машраб.

Ўқи, шоҳ байтларни, шоҳ бўласан, дер,
Бир куни муаззам оҳ бўласан, дер,
Оппоқ нур – қуёш ҳам, моҳ бўласан, дер,
Низомий, Навоий, Фузулий, Машраб.

Сўз чамани ичра сўлмас дарахтим,
Руҳимда порлаган андуҳим, бахтим,
Бу адаб мулкида азим пойтахтим,
Низомий, Навоий, Фузулий, Машраб.

Ғайрат МАЖИД.

ХОРИЖ

ИНСОН МИЯСИГА ЧИП ЎРНАТИЛДИ

Миллиардер Илон Маскнинг “Neuralink” нейротехнология компанияси биринчи марта инсон миясига имплант ўрнатди. Бу ҳақда жаҳонга машҳур тадбиркор ўзининг “X” (собиқ “Twitter”) ижтимоий тармоғидаги саҳифасида маълум қилди. “Neuralink” имплантини бир киши олди, (операциядан кейинги) тикланиш жараёни яхши кетмоқда”, — деб ёзган Маск.

Нейрочип “Bluetooth” орқали гаджетларни бошқариш имконини беради. Лойиҳа 2016 йилда бошланган, бироқ илгари тадқиқот фақат ҳайвонлар устида олиб борилган. Илон Маск бемор ўзини яхши ҳис қилаётгани ва биринчи натижалар аллақачон истиқболли эканини ёзган.

“Чип телефон ёки компьютерингизни ва улар орқали деярли ҳар қандай қурилмани шунчаки фикр кучи билан бошқариш имконини беради. Дастлабки фойдаланувчилар ўз оёқ-қўлларини бошқариш қобилиятини йўқотганлар бўлади”, — деди Маск.

Янги маҳсулот “Телепатия” деб номланган. Қурилма қабул қилувчи капсуладан иборат бўлиб, эшитиш воситаси каби қулоқ орқасига ўрнатилади. Ундан ипга ўхшаш электродлар мияга узатилади. Умуман олганда, мияга 1,5 мингтагача электродлар жойлаштирилади. Уларнинг ҳар бири инсон сочидан тўрт марта ингичкароқдир.

НЕФТЬ ТАНКЕРИГА ЗАРБА

Ҳодиса нефть танкерига қилинган энг йирик ҳужум деб аталмоқда. Буюк Британия ва АҚШ зарбага жавоб қайтаришини маълум қилди.

Яман ҳусийлари томонидан отилган ракета билан урилган “Marlin Luanda” танкеридаги ёнғин бир неча соат давом этган ва ўчирилган. Ҳодиса Адан кўрфазида содир бўлди. Экипаж эвакуация қилинди, қурбонлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. “Айни дамда кема энг яқин портга йўл олмоқда”, деди танкернинг Британия оператори “Trafigura”, бироқ қайси порт эканига аниқлик киритмаган.

Ҳусийларнинг танкерга ҳужуми шанбага ўтар кечаси Қизил денгиздан чиқиш жойида содир бўлди. Ёнғин кеманинг юк бўлимларидан бирида бошланган. Уни ўчириш учун ёнғин ўчириш техникаси қўлланилди. Маълум қилинишича, ёнғинни ўчиришда Франция, Ҳиндистон ва Америка ҳарбий-денгиз кучларининг яқин атрофдаги кемалари ёрдам берган.

Эрон томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳусийлар ҳужумни “Британия-Америка агрессиясига жавоб” деб айтишган.

ҲУЖУМ ҚИЛМАСЛИК ТЎҒРИСИДА

Арманистон бош вазири Никол Пашинян Озарбайжонга ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пактни имзолаш таклиф қилинганини айтди. Бу ҳақда “Арменпресс” хабар берди.

“Озарбайжонга чегарани демилитаризация қилишни, ўзаро қурол назорати механизмини, шунингдек, тинчлик шартномасини имзолаш кутилгандан кўра кўпроқ вақт талаб этган тақдирда, ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пактни имзолашни таклиф қилдик. Арманистон Республикаси тинчлик бўйича кун тартибига содиқ ва ундан четга чиқмайди”, — деди Пашинян Арманистон армияси куни муносабати билан ўтказилган йиғилишда.

Бош вазир Арманистон армиясини ислоҳ қилиш билан боғлиқ “агрессив баёнотлар”га жавоб қайтарди. Пашинян фикрича, кучли ва жанговар тайёр армия яратиш ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуқидир.

СИЁСАТЧИЛАР БАЙДЕНГА ТАЛАБ ҚЎЙМОҚДА

Эрон томонидан қўллаб-қувватланган гуруҳлар томонидан Иорданиядаги АҚШ ҳарбий базасига ҳужум уюштирилиши ва оқибатда уч нафар америкалик аскарнинг ўлдирилиши АҚШ президенти Жо Байденга нисбатан босимни ошириб юборди.

Сиёсатчилар президентдан Эронга тўғридан-тўғри зарба беришни талаб қилмоқда. “Reuters” агентлигининг ёзишича, Байден катта уруш бошланишидан қўрқиб, бу қадамни қўйишни истамаяпти. АҚШ президенти америкалик аскарларнинг ўлдирилишига жавобан фақат Эрон чегаралари ташқарисидаги гуруҳларга зарба бермоқчи.

Республикачилар партияси вакиллари Байденни америкалик ҳарбийларни жавоб беришга қодир бўлмаган, “фақат бир жойда ўтирадиган ўрдак”ка айлантириб қўйишда айблади. Энди улар президентдан Эронга зарба беришни талаб қилмоқда. Демократлар эса Байденнинг Ғазо секторидаги Исроил ва ХАМАС ўртасидаги можарони тўхтатиш бўйича стратегияси барбод бўлаётганидан очиқчасига хавотир билдирди. “Вазият назоратдан чиқиб кетмоқда. Можаро минтақавий урушга айлана бошлади, афсуски, АҚШ ва бизнинг қўшинларимиз хавф остида”, — деган Демократлар партияси вакили Барбара Ли.

Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ФАОЛИЯТ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИ:

ЯНГИЛАНАЁТГАН ТАЪЛИМ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини ҳамда янги жамият асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми — маънавият ва маърифат, маданият ва санъат соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш ва бундай тарбиявий тизим марказида халқимизнинг азалий қадриятларига садоқат руҳини шакллантириш устувор масалага айланди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, интеграция ва глобаллашув жараёнида маданий мерос ҳақидаги тарих ҳақиқатлари юзага чиқмоқда. Ёшлар эртанги кунига ишонч билан яшаши, миллий маданият муҳитида ўзини эркин ҳис қилиши учун Ватан тарихини, улуғ алломалардан қолган маданий меросни билиши шарт. Ўзбек халқининг қадимий маданияти жуда бой анъаналарга эга. У ўз илдизлари билан узоқ асрлар тарихига туташган.

Истиқлол шарофати билан тарих ҳақиқатлари тикланди. Маданий мерос — ота маконнинг шонли ўтмиши, миллат ва халқнинг ҳаёт фалсафасидир. Буюк ипак йўли устида жойлашган Ўзбекистонимиз қадим замонлардан буён Шарқ билан Ғарб халқлари ўртасида савдо ва маданий алоқалар равнақида муҳим аҳамият касб этган.

Муҳтарам Президентимиз ўтган йили 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида "Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беряптими?" деган долзарб саволни кун тартибига қўйди. Дарҳақиқат, тафаккури юксак, қалби маънавият ва маърифат нурлари билан ёғдуланган ёшлар фақат яратувчиликка, яшнатувчиликка, бунёдкорликка интилади. Санъат эса инсон қалбида эзгулик ва гўзаллик туйғуларини уйғотади, жамият воқеликлари ва ҳаёт мазмунини чуқурроқ англашга ўргатади.

Маълумингизки, кўп асрлик бой анъаналарга эга бўлган ўзбек миллий рақс санъати ўзининг миллий қадриятлар билан уйғунлашган чуқур мазмундорлиги, ҳаракат ва ҳолатларнинг нафислиги, нозиклиги, ички кечинмалар ҳамда гўзал ҳис-туйғуларга бойлиги, шарқона фазилатлар замирида юзага келганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги даврда дунё янгиланмоқда. Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкори Қозоғистон Республикаси Жумабек Ташенев номли университетдир. Ўтган 2023 йилда мазкур университет билан учта халқаро илмий-амалий анжуман, иккита халқаро илмий семинар, иккита олимпиада, ўндан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Хусусан, иккала олий ўқув юртининг ташаббуси билан Қозоғистон халқи Ассамблеяси, Қозоғистон ўзбеклари этномаданий бирлашмаларининг "Дўстлик" ҳамжамияти ҳамкорлигида 2023 йил 18 ноябрь куни Чимкент шаҳрида "Илм-фан, таълим ва санъат интеграцияси: истиқболли режалар" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ва анжуман доирасида Ўзбекистон халқ артисти, профессор Гавҳар Матёқубова номидаги халқаро рақс кўрик-танлови ўтказилди. Илмий анжуманда Ўзбекистон давлат хореография академияси проректори, профессор Н.Қосимов, "Санъат назарияси ва тарихи" кафедраси мудири, доцент в. б. Ш.Умаров ҳамда санъатшунослик йўналиши талабалари С.Исматова, Р.Карамова, З.Ўроқов, Р.Ҳожиев, Ж.Мирсолиев, Ш.Қодировлар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Ўзбекистон халқ артисти, Америка Қўшма штатларидаги Евроосиё рақс академиясининг академиги, профессор Гавҳар Матёқубова номидаги халқаро рақс кўрик-танловида ЎзДХА хореография йўналиши кундузги бўлим талабаси Ислом Ҳайдаров, сиртқи бўлим талабалари Дилноза Мавлонова, Дилноза Артиқовалар ўзларининг жозибали рақслари билан томошабинларнинг муҳаббати ва эътирофига сазовор бўлишди. Халқаро танловнинг Гран-при соврини Ж.Ташенев номли университетнинг 1-курс талабаси Д.Атажоновага, 1-ўрин ЎзДХА Урганч филиали 2-курс талабаси Р.Сапаевага насиб қилди. Халқаро анжуман якунида ғолиблар "Алғыс хати", фестиваль статуэткалари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Илмий анжуман доирасида китоблар кўргазмаси ва конференция илмий тўпламининг тақдимоти ҳам ўтказилди. Тўпламдан ЎзДХА профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг мақолалари ўрин олган.

Ўзбекистон давлат хореография академиясида амалга оширилаётган "Мусиқа ва санъат ўқув муассасалари учун "Болалар рақслари" фанидан интерактив ўқув-методик қўлланмалар яратиш" мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида 2023 йилнинг январь ва ноябрь ойларида Аградаги Ж.Сити коллежи, Деҳли шаҳридаги Жавоҳарлаъл Неру, Мирзо Ғолиб университетлари билан ҳамкорликда "Ўзбекистон ва Ҳиндистон: янги илмий-маданий алоқалар" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда санъат ва маданият тарихи, миллий рақс, ҳинд-ўзбек халқлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, янги алоқалар ўрнатиш каби мавзулар кўтарилди. Конференция материаллари инглиз ва ҳинд тилларида чоп этилди. Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубованинг ҳинд ва инглиз тилларида чоп этилган "Хоразм "Лазги" рақсининг тарихи", Ҳ.Ҳамроеванинг "Ўзбек болалар фольклор рақслари: анъанавийлик ва замонавийлик" номли монографиясининг тақдимоти ўтказилди. Монография Нью-Деҳли университети илмий кенгашининг қарори билан нашрга тавсия этилган. Уларни инглиз тилига А.Аллаёров, ҳинд тилига доктор Шаменаз таржима қилган. Профессор Ҳ.Ҳамроева Ж.Неру университети ҳамда Жамия миллий исломия университети талабалари учун ўзбек тилидан маҳорат дарси ўтди, ўзбек ва ҳинд халқлари маданиятининг муштарак жиҳатлари ҳақида маъруза қилди. Конференция, ижодий учрашувлар ва китоб тақдимотлари Ҳиндистон матбуотида кенг ёритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги "Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари маданият ва санъат тараққиётида ўзига хос тарихий воқеа бўлди ва хореография таълимида асосий дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Айни қарорлар асосида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизида давлат олий таълим муассасаси шаклида Маданият вазирлиги тизимида Ўзбекистон давлат хореография академияси ҳамда хореография мактаби негизида Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилди. Бухоро, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларида Академия ҳузурида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари иш бошлади. Ўқув жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида, академияга янги бино ажратилиб, бу ерда талабаларнинг ижод қилиши ва қулай шароитларда яшаши учун барча имкониятлар яратилди.

Хореография таълим тизимини такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжни тўла қамраб олиш, янги авлод дарсликларини ҳамда миллий рақс санъати соҳасида "Устоз-шогирд" анъаналарига асосланган рақс мактабларини яратиш, халқаро стандартларга мувофиқ юқори малакали мутахассислар ва кадрларни тайёрлаш, илмий тадқиқотларни жадал ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадларга эришиш учун ўқитишнинг замонавий ва илғор услубларидан кенг фойдаланиш, ўқувчилар иқтидорини ҳар томонлама ривожлантириш таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илғор ютуқларни татбиқ этиш ҳамда илмий тадқиқотлар натижалари бўйича маънавий-маърифий ва илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш бугунги куннинг муҳим масалалари саналади.

2021-2023 йилларда академияда "Мусиқа ва санъат ўқув муассасалари учун "Болалар рақслари" фанидан интерактив ўқув-методик қўлланмалар яратиш" мавзусида амалий лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа доирасида "Ўзбек болалар рақслари, рақс либослари ва тақинчоқлари номларининг ўзбекча-русча-инглизча-французча қисқача изоҳли луғати", "Ўзбек болалар фольклор рақслари" номли китоб-альбом, 7 та илмий мақолалар тўплами, 2 та монография, 193 та илмий мақола эълон қилинди, 5 та дастурий маҳсулот яратилди ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан гувоҳнома олинди. "Ўзбек болалар фольклор рақслари" ўқув қўлланмасида (муаллифлар Ҳ.Ҳамроева, Ш.Тохтасимов) биринчи марта 35 та болалар рақсларининг хореографик тавсифи яратилди. Шунингдек, Туркия, Россия, Миср, Ҳиндистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Индонезия, Таиланд давлатларининг ТОП мингталикка кирган нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда халқаро илмий-амалий конференциялар ўтказилди, анжуман материалларининг илмий тўплами нашр қилинди. Болалар фольклор рақсларини тўплаш мақсадида Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Сирдарё вилоятларига илмий экспедициялар уюштирилди. Мазкур анжуманлар ва илмий экспедицияларда талабалар ҳам фаол иштирок этди. Амалга оширилаётган илмий тадқиқотларни, "Маҳорат дарслари"ни, хориждаги ўзбек болалар рақс марказлари билан ҳамкорликни кенг кўламда тарғиб қилиш мақсадида лойиҳанинг расмий веб-сайти ҳамда телеграм канали яратилди. Лойиҳа раҳбари, филология фанлари доктори (DSc) Ҳ.Ҳамроеванинг "Ўзбек болалар фольклор рақс санъати: анъанавийлик ва замонавийлик" номли монографияси Индонезияда индонез ва инглиз, Ҳиндистонда ҳинд ва инглиз тилларида чоп этилди.

Шунингдек, "Хореография санъати орқали имконияти чекланган болаларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган мультимедиа маҳсулотини яратиш" мавзусидаги иккинчи лойиҳа (раҳбари Ш.Худойназарова) доирасида республикамиздаги инклюзив таълим мактабларида амалий машғулотлар, ўқув семинарлар ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида имконияти чекланган болаларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишда рақс санъатининг ўрни мавзусида чиқишлар қилинди. 93 та илмий мақола, "Инклюзив таълимда хореография" номли ўқув-услубий қўлланма нашр этилди.

Бакалавриат таълим йўналишларида "Хореография жамоалари раҳбари", "Хореограф-педагог", "Балетмейстер-режиссёр", "Замонавий рақс" ҳамда "Санъатшунослик (хореография)" бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрланади. 2023 — 2024 ўқув йилидан олий таълимдан кейинги таълим учун "Рақс санъати" ихтисослиги бўйича академияда докторантура очилди.

Ўзбекистон давлат хореография академияси ташкил этилганининг биринчи кунлариданоқ, унинг олдидаги асосий вазифалардан бири — хореография санъати соҳасида халқаро алмашувни янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Хореография таълими соҳасидаги халқаро тажрибани ўзлаштириш, инновацион услубларни жорий этиш, ўқитувчилар малакасини замонавий талабларга мос даражада ошириш мақсадида, Ўзбекистон давлат хореография академияси Россия Федерациясининг Москва шаҳридаги давлат хореография академияси, Санкт-Петербург шаҳридаги А.Я.Ваганова номидаги Рус балет академияси, шунингдек, Астана шаҳридаги Қозоғистон миллий хореография академияси, Хитойдаги Пекин хореография академияси билан илмий-маданий-маърифий алоқаларимиз мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳамкорлик шартномаларида Ўзбекистон давлат хореография академиясининг профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш ҳамда стажировкага юбориш, хореография соҳасида мутахассислар алмашувини ташкил этиш, қўшма ижодий лойиҳаларни амалга ошириш, бирга илмий-амалий конференциялар ташкил этиш каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Академия профессор-ўқитувчилари томонидан 2023 йилда 5 та ўқув қўлланма, 10 дан ортиқ монография, 263 та илмий мақола эълон қилинди. Шулардан халқаро журналларда 27 та, юқори "impact factor" ("Web of Science", "Scopus") журналларида 7 та мақоланинг чоп этилиши илмий салоҳиятнинг кучайиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги беш йил мобайнида академиянинг йигирмадан ортиқ ёш ўқитувчилари Москва давлат хореография академиясида ўз малакаларини ошириб, назарий билим ва амалий тажрибаларини бойитиб келдилар. Шунингдек, мазкур олий даргоҳда ҳар йили ташкил этиладиган "Хореография таълими ва балет санъати ривожланишининг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференцияларда академиямиз профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар ва талабалар иштирок этиб келишмоқда.

Академиямизнинг иқтидорли талабалари миллий рақс санъатини хорижий мамлакатларда катта муваффақият билан намойиш этмоқдалар. Москва, Санкт-Петербург, Сочи, Астрахань, Уфа, Астана, Олмаота, Душанбе, Чимкент каби шаҳарларда ўтказилган нуфузли халқаро фестиваль ва кўрик-танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашди. "Замонавий рақс" йўналиши талабалари Тоҳиржон Аббосов, Сергей Казинлар Қозоғистонда ўтказилган халқаро рақслар танловида олий ўринларни эгаллашди. "Хореография жамоалари раҳбари" таълим йўналиши 4-курс талабаси Элчин Юсуповнинг 2023–2024 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясига, 3-курс талабамиз Рухшона Расулованинг Ислом Каримов номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлганлиги илм масканимиз учун қувончли натижа, албатта.

Таъкидлаш жоизки, академиямиз талабалари учун хорижий мамлакатлардан келган рақс усталари, моҳир хореограф-педагоглар билан ижодий учрашувлар ташкил этиш ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Ёшларимиз келажакда миллий рақс санъати ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб, ўзбек санъатини янги ижодий ютуқлар, илмий тадқиқотлар билан бойитиб, янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий фидойилари бўлиб камол топсинлар!

Шухрат ТОХТАСИМОВ,
Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори, профессор.

ШЕЪРИЯТ

Яҳёхон ФАЁЗ

Олис бўлди мен кўзлаган манзиллар

КЎНГИЛ...

Кўнгил тарафларга...
Усмон АЗИМ

Атиргулни алмашиб бўлмас
Ифорсиз гул ё алафларга.
Дилим ёнар, бевафо келмас
Кўнгил тарафларга...

Бир бор келгин, келмасанг бўлмас,
Кўзёш тўлар, юрагим тўлмас,
Меҳр демиш қадамингни бос
Кўнгил тарафларга...

Топганларим фироқ бўлди,
Манзилинг хўп йироқ бўлди,
Истакларинг сўроқ бўлди,
Кўнгил тарафларга...

Рашким томон манзилинг бор,
Ашким томон манзилинг бор,
Ишқни кўмгин шарафларга,
Келгин кўнгил тарафларга!..

ОТА

Ота, кўрмагандим сочингда оқлар,
Балки улгурмаган тушмоққа оқлар.
Чалғитди орзулар, алдади боғлар,
Кўнглимдек тош йўлда толди оёқлар.
Ота, соғинчларга тўлиб яшаяпман.
Тирикман, ҳар лаҳза ўлиб яшаяпман.

Ҳар саҳар кўзларинг гирён кутардинг,
Айт, бу соғинчларни қандай кўтардинг?
Биламан, дардларинг бўғзингда қолган,
Жимгина кутардинг, ғамлар ютардинг.
Шул ғамлар кўйида толиб яшаяпман.
Бардошим етмайди қолиб яшаяпман.

Бошим пана эди, бошпанам эдинг,
Йўлларим чароғон машъалам эдинг.
Ўздан бошқа дардим йўқ эди менинг,
Дуогўйим эдинг, сен малҳам эдинг.
Ота, суратингга боқиб яшаяпман.
Қара, кўзёшимга оқиб яшаяпман.

Армонлар ипида қолган бандиман,
Ўзни эпполмаган телба андиман.
Асрадим ўзимни, асрадим дилни,
Мен шундай нотавон сўқир бандаман.
Ота, саратонда қотиб яшаяпман.
Умримни арзонга сотиб яшаяпман.

Кўрган тушларимни сувларга айтиб,
Кўнглимнинг каъбаси – қишлоққа қайтиб.
Изларинг қўмсайман, исинг қўмсайман,
Йўлларда кезаман девона, дайдиб.
Юракни чокидан ситиб яшаяпман.
Сен томон манзилим кутиб яшаяпман.

КЕЛДИМ-А...

Олис бўлди мен кўзлаган манзиллар,
Шамол каби югурдим-а, елдим-а.
Ростга кўчди мен ўйнаган ҳазиллар,
Севгим, сени соғиниблар келдим-а!

Йўлим тўсди қовжираган хазонлар,
Йўлим кесди қанча нархи арзонлар,
Сочларимга қўниб-қўниб мезонлар,
Севгим, сени соғиниблар келдим-а!

Ой тўлишди, тинглаб-тинглаб дардимни,
Юлдузларнинг ҳасратдоши бўлдим-а.
Бир ўзингда баланд кўриб қадримни,
Севгим, сени соғиниблар келдим-а!

Кечиб бўлмас, унутиб ҳам бўлмагай,
Ошиқ ўлар, муҳаббати ўлмагай,
Қайтавердим юрагингдан сўрамай,
Севгим, сени соғиниблар келдим-а!

Гапларим кўп, лек қандайин айтаман?
Саволлардан кетолмадим илдам-а.
Мен ёнингга шеърларимда қайтаман,
Севгим, сени соғиниблар кетдим-а!

СУРХОНДАРЁ

Қишин-ёзин офтоб елканг жимирлатар,
Саратонда шовқин солиб оққан дарё.
Соғинчлари сўзга сиғмас, жим йиғлатар –
Сурхондарё, Сурхондарё, Сурхондарё.

Манглайига термизийлар битган диёр,
Алпомишин етти йиллаб кутган диёр,
Мозийдан сўз – илму ҳикмат тутган диёр,
Сурхондарё, Сурхондарё, Сурхондарё.

Доим далам, дея шошган деҳқон бобо,
Майса каби нурлар эмган чўпон бобо,
Келисида минг армонинг туйган момо,
Сурхондарё, Сурхондарё, Сурхондарё.

Бор ҳаёти оқшомгача заҳмат оғам,
Тақдирига мудом кўнган жўмард оғам,
Елкасига офтоб инган келбат оғам,
Сурхондарё, Сурхондарё, Сурхондарё.

Аллоҳ азал неъмат билан сийлаган юрт,
Бахшилари таърифидан сўйлаган юрт,
Фарзандлари тинчлигини ўйлаган юрт –
Сурхондарё, Сурхондарё, Сурхондарё.

Той-той бўлиб илк бор изим ботган тупроқ,
Олис кетсам, мени интиқ кутган тупроқ,
Азизларим, отам-онам ётган тупроқ,
Сурхондарё, Сурхондарё, Сурхондарё!

Муаллиф ҳақида:

Яҳёхон ФАЁЗ (МАҲМУДОВ) — 1988 йил Бойсун туманида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини тамомлаган. “Бахтимизнинг зар туморлари” номли шеърий китоби нашр этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

КЕЧИРГИН, СЕВГИМ

Дилда сўнмас муҳаббат ҳаққи,
Андуҳларни ўчиргин, севгим.
Мен ғарибни дилдаги аҳди,
Ошиғингни кечиргин, севгим.

Дардларинга бўлмасам дармон,
Баъзан-баъзан ранжитсам ёмон.
Аразламай топиб бир имкон,
Ошиғингни кечиргин, севгим.

Ҳа, эсимда гуллар тутганим,
Висолингга ашъор битганим,
Мен телбани шу юпатганинг,
Ошиғингни кечиргин, севгим.

Самолардан топган юлдузим,
Танҳогинам, якка-ёлғизим,
Дилда алам, бўғзимда бўзим,
Ошиғингни кечир, севгилим.

Ишққа вафо қилганми очун,
Барчаси ҳақ, барчаси оҳ, чин,
Сени жондан севганим учун,
Ошиғингни кечир, севгилим.

КЎРГАЗМА

“ОРЗУЛАР ДУНЁСИ”

Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройининг кичик залида ёш рассом Диёра Низомованинг “Орзулар дунёси” номли шахсий кўргазмасининг очилиши бўлиб ўтди. Кўргазмада рассомнинг 50 га яқин саралланган асарлари намойиш этилди.

Диёра ижодида теран фикр, аналитик таҳлил ва жонли туйғу мушоҳадаси бор. Болалигидаёқ ўз Ватанига, она юртига, заминига муҳаббат, ватанпарварлик туйғусини ҳис қилишга интилади. У анъанавий тарзда аскарнинг уйга қайтишини одатий қишлоқ манзараси фонида кўрсатади.

Хусусан, жигарранг-сариқ ранг картинага илиқлик бахш этади. Натуралистик-ифодавий метод эса бу асар сюжетини реал тарзда гавдалантиришга ёрдам беради. Ой нури дарахтга тушади ва уни қорга тушаётган соясидаги акси, барча томонга тарқалиб кетади. Оқ қорда акс эттирилган қалин қора соялар, тўқ жигарранг билан тасвирланган.

Дарахт таналари совуқ, музли ва қишки соғинч туйғусини англатади. Осмон, қор ва дарахтларнинг ранг муносабатлари нозик тарзда ишлаб чиқилган – асарда оқ, мовий, кўк ва жигарранглар нинг бир нечта соялари ни ҳисоблаш мумкин. У қишки тунни нинг тинч-хотиржам ҳолатини ҳаётий тарзда тасвирлайди.

Гулноза БОБОЕВА.

ҲИКОЯ

ХУМОЮН

ДИЙДОР ШИРИН

(“Ажойиб кишилар” туркумидан)

Ўшанда Новосибирскдан Тошкентга самолёт чиптаси топилмади, ноилож Олмаотага учдик. Айтишларича, бу ердан Андижонга тўғри рейс бор экан. Самолётдан тушганимизда кечки соат тўртларга яқинлашиб қолган, устига устак ҳаво айниб турганди, шаҳар айланиш ҳам кўнгилга сиғмай, аэропортнинг чиптахонаси томон чопдик. Ёши олтмишларга борган, қалин қилиб упа-элик сурганидан юзи супрадай оқариб кетган чипта сотувчи – асабий ўрис кампирни кўрдиму, сомон тиқиб жойлангандай катта қанордай гавдаси кўзимга бирдан хунук кўринди. Эрталаб келиб чўккан ўрнидан ҳалигача қўзғалмагандир, деб ўйладим. Хаёлимдан кечган ўйни сезгандай, мен ҳам унга ёқинқирамадим, дарров сездим.

Бели бақувватнинг овози дадил бўлади, бундай одам ҳар қандай тошёнғоқни пул билан чақишига ишонади. Айни дамда ўзимни бойваччалардай ҳис қилдимми, ҳарқалай кампирнинг кўзига боқмай, дарров ишим битишини ўйлаб, иккита паспортнинг орасига битта юзталикни қистирдим-да, пештахтага тапиллатиб қўйдим.

— Иккита чипта, Андижонгача, қайтими керакмас...

Қайтим оз эмас, салкам йигирма олти сўм! Иккита чипта – ўттиз етти сўмдан – етмиш тўрт сўм бўлади. Ҳа, “усти”ни бериб, ишни дангал ҳал қилиб қўя қолай, дедим-да. Пулимиз бўлса – бор!

Кампир “ялт” этиб юзимга қаради-да, мени пулдор сурбетлардан, деб ўйладими, билмадим, паспорт ва пулни отворгудек силтаб, мен томонга суриб ташлади. Кейин:

— Андижонга чипта йўқ, виждонсиз, – деб чийиллади жаҳл билан.

Ҳайронман. Нима, “қайтими керакмас” деганимга шунчаликми?! Ёқмаса, индамай қайтариб беравер, пул ўзимга ҳам керак. Бу ерларнинг тошу тарозисини билмасам. Ҳар ҳолда кам бермагандирман!?

Орани совутай деб бироз айланиб келгач, кампирнинг кўзидан панароқда турдим. Дўстим Нуриддин чиптахона туйнугига юзланиб, иккита паспорт билан иккита эллик сўмликни узатиб, Андижонга чипта беришини сўради. Қайтим ҳақида оғиз очмади. Аммо кампир бизни аллақачон таниб улгурган экан, яна тутоқиб кетди.

— Мен шу ерда ўтирар эканман, сенларга чипта йўқ,– дея бақирди.

— Тошкентга-чи?

— Ҳеч қаерга йўқ!

Нуриддин кампирнинг дўқидан чўчиб тушди, бироқ ортга чекингиси келмай, эртанги кунга чипта бор-йўқлигини суриштирди.

— Мен шу ерда ўтирар эканман, сенларга умуман чипта йўқ, – деди шанғиллаб.

Ҳафсаламиз пир бўлди. Кампир ўзини таҳқирлангандай ҳис қилгани аниқ, у энди бизни кечирмайди. Ёнимизда иккита машина сотиб олишга етгули пулимиз бор, ахир. Бунча пул билан поездда кетиб бўлмайди. Бир балога йўлиқиш мумкин...

Тез қизишиб кетадиган ошнам Нуриддин менга гина билан қаради. “Бир-икки кун шаҳар айланайлик, борамизда, ўша қишлоққа”, деб ҳар қанча уринмасин, мен кўнмагандим. Ишимиз битди, бўлди-да, қайтамиз, саёҳатга келганимиз йўқ-ку, ахир. Ошнам саргузаштга ишқибоз, унинг гапига кирсам топган пулимни совуриб, қуруққўл билан қоламан. Шуни ўйлаб, зудлик билан кетамиз, деб оёқ тираб туриб олгандим.

— Ошна, – деди Нуриддин шаҳар айланиб, кўнгил ёзиб кетиш умидида. —Таксида кетайлик, довондан ўтамиз. Шаҳар айланмадик, ҳеч бўлмаса тоғларни томоша қилайлик...

— Майли, янгироқ машина танлаймиз. Қиммат олсаям ўзимиз кетамиз, бошқа одам олдирмаймиз.

Гапни бир жойга қўйиб, аэропорт биносидан чиқдик. Шу яқин орадаги машиналар тўхташ жойининг бир четида мовий ранг “Жигули” турган экан. Киракаш бўлсаям керак. Нуриддин машинанинг олд эшигини очиб, уйқисираб, радио тинглаб ўтирган ҳайдовчига гап қотди.

Андижонга таксида кетмоқчи бўлаётганимизни эшитган ҳайдовчининг чеҳраси ёришди. Йўловчи кутавериб зерикиб ўтирган, шекилли, мижоз топилганидан хурсанд бўлди, шекилли. Кейин эса унинг эски машинасига қараб, бу Андижонгача етиб боролмаса керак, дея хавотирга тушдим. Ахир, довон ошилади...

— Андижонликмисизлар, – ҳайдовчининг юзида табассум пайдо бўлди. – Бу ёқларда нима қилиб юрибсизлар?

— Улан-Удэдан шу ергача учиб келдик, аммо бу ёғига чипта топилмади. Андижонга ҳам, Тошкентга ҳам жой йўқ дейишди.

— Йўғ-е, Тошкентга чипта олиш муаммо-ку, аммо Андижонга жойлар сероб-ку. Ўзим ҳам йилда бир бориб келаман, – ажабланди ҳайдовчи. – Танишиб қўяйлик, исмим Ҳабибулло, шу шаҳарда яшайман. Андижонда ўртоқларим кўп.

Қорачадан келган, бўйдор, озғин Ҳабибулло аканинг ёши элликдан ошган, одамохун киши экан. Муомаласидан ошна-оғайнигарчиликни ўрнига қўядиган улфат, оқибатли кўринади. У машинадан тушиб, бирма-бир қўл бериб саломлашди-да, бизга ҳавас билан тикилди. Бир дақиқа олдин машинасининг орқа ўриндиғида уйқусираб, мижоз кутиб ўтирган кишининг юзидаги тундликдан асар ҳам қолмади. Қаршимизда очиқчеҳра, юзи нурли киши турарди.

Унинг хушмуомалалиги, эски қадрдонлардай меҳр билан сўзлаши биздек аэропортдан қувиб солинган йигитларга таскин берди.

— Мен Андижонда ҳарбий хизматда бўлганман, ундан кейин қолиб, бир-икки йил Кампир Равот сув омбори қурилишида ишлаганман. Андижонлик биродарларим билан борди-келдимиз бор. Одам соғинади. Андижон – менинг ёшлигим, – деди у энтикиб. – Эҳ, қандай даврлар эди-я... Фозилжон, Нозимжон дўстларим – ажойиб йигитлар. Ишонсаларингиз, ҳозиргина уларни эслаб, самолётда учиб кетворсаммикин, деб ўйлаб ўтиргандим. Осмондан тушгандай сизлар келиб қолдингиз, худди уларни кўргандек бўлдим. Андижоннинг нафасини туйдим. Балки танирсиз, улар Хонободда яшайди?..

— Хонобод вилоятнинг нариги четида, бизнинг Бўз бу четида, – дедим ҳозиржавоблик билан. – Биз у ёқларга одам олишга, саёҳатга бориб турамиз. Баҳаво, жаннат жойлар.

Ҳабибулло ака гапимни эшитмади, шекилли, бизга эътибор бермай, ўзининг хотираларига кўмилиб, яна жўшиб сўзлай кетди. Унинг гапига маҳлиё бўлиб, йўл ташвишларини унутаёздик.

— Йигитлар, бугун бизникида қоласиз, андижонча ош дамлаймиз, эртага эрталаб ўзим самолётда учирвораман. Олмаотага бир келибсизлар, шундайича қўйиб юбормайман.

— Минг бор узр, катта раҳмат, Ҳабибулло ака. Анжанга борганингизда ўзимиз девзирадан ош қилиб берамиз, – дедим хушёр тортиб. Танимаган, билмаган жойда қолиб бўладими, устига устак, ёнимизда иккита машинанинг пули бўлса...

Ҳабибулло ака бироз ўйга толди, кейин машинасини ўт олдириб, ўтирингларга деган маънода орқа ўриндиққа ишора қилди.

— Майли, анчадан бери уйдан узоқда юргандайсиз. Ота-онангиз кўча эшигига термилиб ўтиргандир. Ҳозир сизларни таксидан кўра қулайроқ, бехавотир уловга чиқариб юбораман!

Ҳабибулло аканинг машинаси эскироқ кўринса ҳам, бир маромда текис юраркан, рулни абжирлик билан бошқариб, худди андижонлик ўртоқларини шаҳар айлантириб юргандай, кўча ёқасидаги мавзеларни, биноларни таништириб борарди. У биз сингари қувноқ, ўйлаб-ўйламай гапирадиган йигирма беш яшар йигитга айланиб қолганди. Қизиқ, ажойиб одамлар бор-да, ўзи етти ёт бегона бўлса! Бизга анжанликларга ўхшаб гапиради. Хаёлимдан: бошқа фикр айланарди: “Ишқилиб, чув тушмасмикин? Қаёққа олиб кетяпти бизни? Ёнимизда катта пул борлигини сезиб қолмадимикин?”

Серқатнов кўчалардан ўтиб, тўртбеш чақирим юргач, Ҳабибулло ака рулни кескин ўнгга бурди-да, шаҳарлараро қатнайдиган автобус бекатининг четига келиб тўхтатди.

— Ярим соатдан кейин Тошкентга автобус жўнайди. “Мерс”. Яқинда келтиришди. Хорижники. Чипта бемалол, – деди Ҳабибулло ака ишонч билан. – Йўлларинг очиқ йигитлар экансиз, улгуриб келдик. Ҳозир кўрамиз.

Ҳабибулло ака бизни чиптахона тарафга бошлади-да, ўзи чипта сотувчи аёлга юзланди:

— Тошкентга иккита билет беринг, меҳмон кузатиш яхши-да. Чипта бўлмаса, яна бир кун қолишади, – ҳазиллашди у.

Чиптани олгач, Ҳабибулло ака қувониб кетди. Биз бўлса, Олмаотадан Тошкентга автобус юришини хаёлимизга ҳам келтирмагандик.

— Мана, ҳали ёшсиз, томоша қилиб кетасиз. Аввал Жамбулда, кейин Чимкентда автобуслар ўзгаради. Худди чарчаган отларни алмаштиргандай, беш-ўн дақиқа нафас ростлаб, чой ичиб, яна йўлга чиқасиз. Автобус чиптаси 24 сўм экан, самолётники 37 сўм, бу томондан ҳам сизларга фойда! Агар таксида кетаман десангиз, юз сўмдан камига бормайди. Чунки орқага қуруқ қайтади-да.

Гап пул масаласига кўчгани учун Нуриддиннинг кўнглига келдими, ёнидан битта қизил ўн сўмликни чиқариб, Ҳабибулло аканинг киссасига аста солиб қўйди.

— Ака, кам бўлсаям кўп ўрнида кўрасиз, рози бўласиз энди.

Ҳабибулло ака аввалига ўнғайсиз аҳволга тушди, кейин эса, ҳафсаласи пир бўлган кишидай қўярда-қўймай чўнтагидан пулни олиб, Нуриддиннинг қўлига тутқазди. Мен ҳам хижолат тортдим.

— Йигитлар, пул қўлнинг кири, келади-кетади. Одам топилмайди. Мен сизларни учратиб, гўёки ўртоқларимни кўргандай бўлдим.

Ҳабибулло ака автобус жойидан жилгунча кутиб турди. Кейин эски қадрдонлардай ортимиздан қўл силтаб қолди.

Муаллиф ҳақида: Ҳумоюн (Ҳумоюн Акбаров) — 1964 йил 31 январда Бўз туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети (аввалги ТошДУ)нинг ўзбек филологияси факультетини битирган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган.

Муаллифнинг “Унутилган гул” (1998), “Дилхирож” (1999), “Кўнглим гули” (2005), “Ёшлик бекати” (2008), “Туйғулар рақси” (2010), “Интиҳосиз наволар” (2012), “Қуёш ҳузурига йўл олган карвон” (2016) сингари кўплаб китоблари нашр этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Автобус ярим соатча юргач, ўзимизга келдик шекилли, Нуриддин менга ажабланиб қаради-да, жилмайиб деди:

— Ғалати киши эканми!? Нима учун унинг уй манзилини ёки телефонини ёзиб олмадик ёки ўзимизникини бермадик?

— Кўриб турибсан-ку, гапиргани қўймади. Хонободлик ўртоқлари ҳурматидан бизга яхшилик қилди. Энди навбат бизники, қарз бўлиб қолдик, – дедим ўйланиб.

Янги, ўриндиқлари юмшоқ автобусда текис йўлдан кетаётиб, тасодифан бир ажойиб инсонни учратганимизни, аммо минг афсуски, уни дарров йўқотганимизни ҳис этиб борардик.

ЭНГ ЯНГИ АДАБИЁТ

ҲАЁТДА ЮЗ БЕРГАН...

“Ишонч телефони” китоби ҳақида

Худо ҳақи, ёш улғайганда яхши китоб ўқиш жуда мароқли, ҳатто телевизор кўришдан ҳам қизиқарлироқ. Болалик, ёшлик, етуклик чоғларингни эслайсан. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеаларнинг денгизларига шўнғийсан. Бутун умринг қандай ўтиб кетганига ақлинг етмай ҳайрон бўлиб ўтирасан. Торгина балконингда қиш чоғи тувакда анвойи гуллаган чечакларга боқиб, осуда қувончларингни ким билан ўртоқлашишни билмайсан: у банд, манов банд, анов ҳам банд, нариги ўзини олиб қочади, беригининг сен билан гаплашишга тоқати етмайди, яна бирови, нега мен бо-рарканман, ўзи келсин дейди, иззати нафс қилади... Хуллас, ёш улғайганда китоб энг яхши, холис, беминнат ҳамроҳ, суҳбатдош, сирдош... Ақлингга ақл, тажрибангга тажриба қўшади, одамлар ҳаётидан сабоқ оласан, инсонликнинг аён кўзга ташланаётган таназзулларидан, ахлоқий емирилишлардан, илмий-фанний принциплар, методологияларнинг чириб бораётганлигидан ташвиш, қайғу, аламга ботасан, Худо ҳақи.

Жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад расулуллоҳ ҳадисларидан бирида дунёда энг яхши нарса гўзал ахлоқ деган эканлар. Ҳазрат Имом Нававийнинг “Қирқ ҳадис” китобида тафсир қилинишича, ул зот одамларни доим шубҳали ва айниқса, жуда бекорчи нарсалар билан оворaю сарсон бўлиб юришдан такрор ва такрор қайтарар эканлар: “Инсоннинг яхши мусулмон эканлигининг аломатларидан бири (унинг) бекорчи нарсаларни тарк этишидир”. Еттинчи асрдан бери қанча вақт ўтган бўлмасин, бу содда сўзлар ҳамон амалда. Бир шоир чиғириқни ёзиб шоир бўлди, бошқаси Армстронгнинг Ойга қўниб биринчи айтган сўзига достон битди. Аммо инсон ҳамон ўша “гўзал ахлоқ” идеалига сира етолмайди, ҳеч қачон шубҳали, бекорчилиги аён кўриниб турган ишларни сира тарк этолмайди. Нега шундай экан-а? Наҳот бани башар азалда тамомила ноқис яралган бўлса?

Ҳолбуки, у тирик борлиқнинг гултожи... Ва ҳамон океанлар кўпиклари ичидан чиққанлигини асотирларида унутмайди... Аммо биз бу ерда атоқли адиб, фозил замондошимиз Хайриддин Султоннинг янги босилиб чиққан китоби **(“Ишонч телефони”. “Ziyo nashr” нашриёти, Тошкент, 2023)** устида ўқувчиларимиз билан таассуротларимизни ўртоқлашмоқчи бўлиб турган эдик. Қолаверса, юқоридаги даромад сўзларимизнинг ўзи ҳам бу китобдан ўрин олган, ажойиб бир шаклда ёзилган қисса мутолаасидан сўнг ўқиш ва уқиш асносида туғилиб турган эди.

“Гўзал ахлоқ” ҳақидаги гапни одамлар неча минг йиллар ўтса ҳам унутмасликлари керак эди ва ҳар кун нонушта олдидан бола-чақа билан қутлуғ дастурхон теварагида ўтириб бир карра такрорлашлари керак эди. Зеро, бу адоқсиз неъматлар етишган ризқу рўзнинг шукронаси билан баробар ва такрорланган сари ёмби олтин каби ярқираб юракка йўл қидиришдан ҳеч толмайди, бинобарин. Аммо кўп одамларнинг бунга вақтлари йўқ. Эрталабдан иш-юмушга шошиб, фарзандлар билан гаплашишга тажанг ва дилтанг бўлиб турадилар. Фарзанд отамдан ё онамдан сўрайман деб дилига туккан саволига умрининг охиригача ҳам жавоб ололмайди. Вақт шунчалар танг. Аммо фарзандлар саволларига жавоб ола билмасалар, вақтнинг ўзининг нима кераги бор, астағфируллоҳ!

“Ишонч телефони” – мен уни ҳозирги энг янги китоб деб атагим келади – шакл ва бой мундарижа эътибори ҳамда замонавий руҳи билан айни шундоқ! – Ёзувчи Хайриддин Султоннинг биз шу яқин йиллар ичида ўқиб мутаассир бўлган “Навоий – 30”, “Одамлардан тинглаб ҳикоя” деган тўлақонли ҳикоялар жилдларининг маънан давоми десак ҳам бўлади. У китоблар ҳамон қизиқиб ўқилмоқда. Замонавий асарларга жуда қизиқадиган ёшларнинг қўлидан тушмаяпти. XXI аср кишилари ва воқеликларини ҳаққоний ва қизиқарли ёритгани билан диққат-эътиборни тортмоқда.

Аммо... “Ишонч телефони” – бу тамомила бошқача, бошқача энг янги ҳиссиётлар, энг янги сўзлар, энг янги адабиётнинг ғоятда характерли намунаси. Замонамизнинг характерли белгиси – Ишонч телефонлари давлат идораларида, ҳукумат маҳкамалари, вазирликлар, агентликлар, коррупцияга қарши кураш ташкилотлари, банклар, ҳокимликлар – ҳаммаси-ҳаммасида бор, фаолият кўрсатиб турибди. Аҳоли, фуқаролар улар хизматидан анча саводхонлик билан фойдаланади. Уларга мурожаатларда мамлакат ва фуқароларга тубдан тегишли ранг-баранг сон-саноқсиз масалалар кўтарилади.

Фуқаронинг номи ошкор этилмаган ҳолда, улар кўтарган масалалар идоралар ва муассасалар олдига қўйилади, ечимлар қидирилади. Хайриддин Султон одамларнинг “Ишонч телефонлари”га мана шундай мурожаатларидан бадиий шакл сифатида истифода этади. Аслида “Ишонч телефонлари”га айтилган гаплар очиқ-ошкор қилинмаслиги керак. Лекин ёзувчи бу мурожаатлардан адабиётда кўп замонлардан бери қўлланиб келинадиган ИЗҲОР ВА ИҚРОР сифатида фойдаланади. Булар эса бадиий адабиётнинг энг ўқиладиган турларига киради. Айниқса, буюклар – Навоий, Толстой, Бальзак, Цвейгларнинг изҳорлари машҳур.

Хайриддин Султоннинг янги қиссасидан 28 та изҳор ва иқрор ўрин олган. Уларда айни замонавий ҳаётимизнинг ғоятда ранг-баранг қирралари ифода топган. 28 та арзи ҳол, 28 та арзи дод, 28 та арзи фазл, 28 та арзи тийнат, 28 та бир-бирига ўхшамаган феъл-атвор, европача усулда айтсак, 28 та характер ярмаркаси. Шундоқ, бу янги қисса чин ярмарка, инсон ярмаркаси. Ахлоқнинг емирилиши, океан кўпикларига айланиши. Одам ахлоқи нечук бизнинг давримизга келиб бунчалар таназзулга тушиб қолди? Фарзандлар ота-оналарни, ота-оналар фарзандларни менсимай қўйди. Нечун улар орасидан муҳаббат ва қадр-қиммат, айниқса, оқибат тамомила кўтарилиб бормоқда? Тамсиллар, тамойиллар, сабабиятлар, заруриятлар ғоятда кўп, қатор-қатор. Энг қизиғи шундаки, улар фақат 28 ҳикоят персонажлари ёки қаҳрамонлари десак ҳам бўлади, ҳаёти, аъмолида эмас, балки биз барча замондошларнинг ҳаёту аъмолларимизда ҳам ўз зуҳурини кўрсатмоқда. Булар ўзимиз гувоҳ бўлаётган, баайни ўзимизнинг бошимиздан кечаётган ҳодисалар, уларнинг турли-туман эврилишлари. Не сўз билан ифода қилайликки, буларнинг бари ҳар биримизга қадрдон бўлиб қолган.

Бизнес, таълим, бозор, пул, бойиш, маишат, амал кетидан қувиш, ранг-баранг қаллобликлар, бош-кети кўринмайдиган фирибгарликлар, саройлар қуриш, ўзини хорижга уриш, хорижда ахлоқан фош бўлишлар, ўзини қашшоқ-йўқсил кўрсатиб маразмга берилишлар... Ёзувчи ҳикоя қилаётган арзу изҳорларда буларнинг ҳаммаси тўла ва энг охирги даражада томир уриб турибди. Ёзувчи бу 28 ҳикоянинг барчасига уларнинг персонажлари номини қўйган: “Гулсара”, “Беҳрўз”, “Умид”, “Азларова” ва ҳоказо. 28 бадиий ном.

Мана, Гулсара. Бир ожиз, муштипар, аммо ёшгина аёл. У “Ишонч телефони”га арзини айтяпти. Оператор қиз Моҳидил Исматова эшитяпти. Унинг юраги сабр-тоқатга тўла. Гулсаранинг арзи нима? У: “Ўй-жой сўраб ҳокимиятга борсам, ҳеч ким арзимга қулоқ солмаяпти”, дейди. Унинг ёши ўттиз бирда, айни куч-қувватга тўлган, етилган пайти. “Иккинчи гуруҳ ногиронима, ишга ярамайман”, дейди. У автобус ҳайдовчисига турмушга чиққан. Шаръий никоҳ ўқитган, лекин қонуний никоҳдан ўтмаган. Эрининг олдинги оиласи, бола-чақаси борлигини кейин билган. Шу одамдан фарзанд орттирган. Кейин “суви қочган”дан сўнг бу эр уни ташлаб кетган ва у ёш боласи билан кўчада қолган. Ўзи топиб эр қилгани учун қариндош-уруғлари унга ёрдам бермай қўйишган, муомалалар узилган. Алимент ундиришга никоҳ қоғози йўқ. “Қўлимда на ҳунарим, на дипломим бор”, дейди. Оператор “Ариза ёзиб келсангиз, “Аёллар дафтари”га киритишлари мумкин”, дейди. Лекин Гулсара: “Майли, менга уй керакмас, фақат эрим ҳар замонда бўлса ҳам келиб болаларимнинг ҳолидан хабар олиб турса... Мазам йўқ, опажон, ўлиб-нетиб қолсам, бу учта норасида нима бўлади? Илтимос, ёрдам беринг”, дейди.

Мана энди бир арзи доднинг қисқа мазмуни билан танишганингиздан кейин сўзимизнинг бошида айтилган ҳадисга қайтсак ҳам ўринли. Бу шўрлик ёш аёлнинг туриш-турмуши бари бошдан-оёқ шубҳали нарсалар домига илингани, шубҳали нарсаларни ҳаёт ўрнида қабул қилгани ва аёл бошини ўтга тиққани... Наҳотки у шунчалар ақлсиз, тентак? Энди учта норасида нима бўлади, деб қайғуряпти ва ёрдам сўраяпти. Ким энди унга ёрдам беролади? Мен инсон таназзули деганда ана шу жоҳилликни, жадид олим тили билан айтганда, “жаҳли мураккаб”ни назарда тутган эдим.

Ҳолбуки, XXI аср! Китобда бизнинг мана шу олдимизда турган кунларимиз ҳақида гап кетяпти. Одатда, ҳаётда нима бўляпти, деймиз. Инсон кўз ўнгимизда таназзулга учраяпти. У ўзига ҳам, ўзи яшаётган ҳаётга ҳам тўғри баҳо беролмайди. Яхши-ёмонни тўртинчи синф боласи даражасида ҳам тўғри ажратолмайди.

Яхши-ёмонни, тўғри-нотўғрини, эгри-қалбакини, чин-ёлғонни, ҳақ-ноҳақни тўғри ажратолмаслик, кўзбўямачилик, қаллобликлар бошқа 27 та ҳикоят қаҳрамонларининг иқрорларини ахлоқан юзтубан кетиш каби баҳолашга олиб боради. Инсон табиатни, сувни, мусаффо ҳавони, Ер юзидаги Худо томонидан ато этилган омонликни, омонлик маконларини, денгизлар, океанлар, дарёлар, кўлларни асраш ва тоза сақлашга ўта ожизлик қилмоқда. Ожизлик ўз-ўзидан табиий равишда унинг шахсий ҳаёти, феъл-атворида ҳам ўз аксини тўла намоён этмоқда. Табиатни асраб яшамаган одам ўзини, ички руҳоний дунёсини соғлом сақлай олмайди. Булар ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. “Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқдир” дейилади яна муқаддас ҳадисларда. Еру заминга нисбатан бузғунчилик йўлига кирганлар ҳеч қачон соғлом ва фаровон, ҳақ ва адолатли бўлолмайдилар.

Бу ҳикояларнинг барчасини юрагимиз беором титраб ўқиймиз. Нажот борми, деймиз. Нажот қидирамиз. Умумнажот ҳаёт, инсон, табиат ҳақида умумтўғри тушунчага эга бўлишда. Тўғри тушунчали одам янглишмайди, алданмайди, ҳар қандай фирибгар найрангларининг авра-астарини ағдариб ташлайди ва тўғри нажоткор йўлга солади инсонларни. Глобал асримизда инсоният ҳаёти ва тақдирида глобал ижтимоий касалликлар юзага чиқмоқда ва авж олмоқда. Бу касалликларнинг ҳаммаси ўта аччиқ, ўта заҳарли. Аммо бутун инсоният сидқидилдан уринса, уларга даво топади.

Хайриддин Султон ҳикояларини бирма-бир таҳлил қилишга юрагим чидамайди. Улар келажакдаги жуда оғир маънавий-руҳий ва табиат катаклизмларидан дарак бермоқда. Бу ҳикоялар кўпиклар устига кўпиклардан сиёҳ ясаб ёзилмаган, ҳеч нарса кўпиртирилмаган, ҳаётда қандай бўлса шундай, фақат адабиёт огоҳлантирмоқда. Ҳатто бу содда таҳлит ҳикояларни журналистик ҳикоялар дейиш ҳам мумкин. Уларда журнализм элементлари кучли намоён бўлган. Бу журнализм усули жуда таъсирли. Ночорликка чора излайди. “Ишонч телефони” ҳикоялари ва улар композицион қурилмасидан яхлит тус олган бадиий қисса замондошларга ғоят яқин, замондошлар билан дардлашиш мақсадида ёзилган. Бу ўта интим ҳикоятлар бизни ўз воқеалари ва изтиробларининг иштирокчисига, мусоҳибга, тақдирдош, заминдошга айлантиради. Ғафлатда қолдим, деб ночор кўз ёши тўкиб ўтириш иш эмаслигини юрагимизга дардли томчилари билан сингдиради.

Ёзувчи 28 та ижтимоий хавфли касалликни моҳир жарроҳ каби очиб кўрсатади. Адибга тинчлик бермаган бу ҳаётий-ижтимоий воқеалар ўқувчини ҳам безовта қилади. Уни ён-атрофларига сергак назар ташлашга, ҳеч нарсага бефарқ бўлмасликка чақираётгандай бўлади. Яна бир қараганда бу аламли воқеаларга ҳеч ким ҳакам бўлолмайдигандай ҳам туюлади. “Бугун ҳаёт бошқа, қарашлар бошқа, – дейди “Қодир” деган ҳикоятнинг қаҳрамони, – дунёни ўзгартиролмайсан”. Бошқа бир ҳикоятнинг қаҳрамони Ойгул никоҳсиз орттирган боласини “касофат” деб атайди. Ўз туққан боласини касофат деб аташга мажбур бўлиб қолган бу аёл – касал дунё тимсоли. У тамомила бекорчи нарсалар ичида яшаб шу ҳолга тушмадими? Наҳот шу кўргилик ҳам биз – соғларни огоҳликка чақирмайди?

Асар охирлар экан, “Ишонч телефони” оператори ажойиб, меҳрибон мутахассис қиз Моҳидил Исматованинг қайғули тақдири ҳам бошқа персонажлар тақдирлари билан замон фожиалари жабҳаларида мутаносиб тарзда туташиб кетади. “Эҳ, кўзим кўрмаган бўлса эди” дейди ориф синчков китобхон.

Асарнинг “Ишонч ёрлиқлари” деб номланган иккинчи бўлимига кирган, адиб бизнинг кунларимизда яратган бадиалар унинг ҳаёт тўлқинлари, ўйлари, изтироблари, изланишлари, ҳаваслари билан табиий тарзда чамбарчас бўлиб кетади. Муаллиф ўзи таниган, яхши билган, ҳамкорлик қилган, бирга хизматда бўлган таниқли олимлар, шоирлар, таржимонлар, муаллифлар ҳақида ҳикоя қиларкан, бу бадиаларни худди ёзувчининг таржимаи ҳоли каби ўқиймиз. Адиб ўзига таъсир кўрсатган илм, санъат ҳодисаларини жонли лавҳаларда, жозибали ҳикоя қилади. Улар адибнинг бадиий ижоди хусусиятлари, ўзига хосликларини, эстетик қарашлари, фаросати қирраларини чуқурроқ тушуниш, белгилашга ёрдам беради.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

ЁШЛАР МИНБАРИ

МАҚСАД

Мақсадсиз инсон — хавфли инсон.

Ақлимни танибманки, ўз олдимга қўйган мақсадим сари қадам ташлайман. Болалигимда рақс тушишни ёқтирганман ва ҳаттоки шу касбни танлашни ният ҳам қилганман, аммо бу ниятим кўпларга ёқмаган, олдимда тўсиқлар пайдо бўлган. Вақт ўтиб рақс санъатига қизиқишим шунчаки ҳавасга айланди. Келажакдаги ҳаётимни бошқа касбда кўришни бошладим.

Ёшлигимда онам менга “Қизим, бутун қил, нима сўрасанг ҳам бутун сўра”, деб доим қулоғимга қуйиб келган. Тўғри айтган эканлар. Ҳозир орзуларим рўёби давом этмоқда, ҳали поёнсизликка чиқмаган бўлсам ҳам, мендан бахтли инсон йўқ, дея оламан. Келажагимни журналист касбида кўраман, бу касб эгаларининг машаққатли ҳаёти, ижодий ютуқлари — мен интилаётган улуғ манзил.

Ўқишга кирганимда ҳаяжон тўла юрак, фантазияга бой хаёллар билан университетга қадам босдим, мақсадим саҳифаларида янада улкан ниятлар пайдо бўлди. Ўзим орзу қилган келажак учун кураш бошланди. Табиатан кўп нарсага қизиқувчанлигим сабабли хаёлимда ҳар хил орзулар туғён ура бошлади. Инсон ҳар доим ҳам режа асосида иш кўролмаслигини англаб етдим. Аста-секинлик билан барчаси изга тушади, деб ўзимни ўзим назорат қилиб тураман.

Келажак ҳақида ширин орзулар қиламиз, биз тўғри деб билган йўлларнинг айримлари ботқоқлик эканлигидан бехабармиз. Сизга ёқимсиз бўлган нарса асли гўзал бўлиши мумкин. Мен инсон ҳаётини пианинога ўхшатаман, ундаги оқ-қора клавишлар инсон ҳаётидаги бахтли-бахтсиз кунларни эслатади. Пианинони қандай чалиш — ўз қўлимизда.

Мен хотиржамман, бахтли келажагим учун доим ҳаракатдаман ва ҳеч ҳам таслим бўлмайман. Чунки эзгу мақсадлардан қурилган келажак пойдевори мўрт бўлмайди.

Ҳаёт — қисқа, қандай ўтиб кетганини сезмай қоламиз. Баъзида шундай пайтлар бўладики, вақт ўтмайди, сониялар асрдек қотиб қолгандай туюлади. Баъзан ширин, баъзан аччиқ нарсаларни кимгадир айтолмайсиз, ичингизга ютасиз. Орзулар чилпарчин бўлган пайтлари руҳингиз синади. Ҳаёт шуниси билан қизиқ. Ҳаммасига тайёр туришимиз керак.

Садоқат МАМАДАЛИЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси.

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳабибулло МЎЙДИНОВнинг телеграм каналидан олинди.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 4 005
Буюртма — Г-144

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23³⁰

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.